Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

12 4-йил чиқиши
АВГУСТ 1969 й.
СЕШАНБА
№ 187 (951)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Янги техника—Тошкентга

МЕХАНИК ЎЛЧОВ

СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида темир-бетон конструкцияларига ишлатиладиган таранг арматураларни ўлчайдиган «ЭМИН-2» электромеханика асбоби намойиш қилинди. Бу асбоб Бошқирдистон қурилиш илмий-текшириш институти томонидан тайёрланган бўлиб, уч милиметрдан 15 миллиметргача бўлган таранг симнинг ҳар бир квадрат миллиметрдаги 80—120 килограммлик босимларини ўлчай олади.

Ўлчов ишларини осонлаштирадиган бу асбобни пойтахт қурилишларига жорий қилиш юзасидан «Оргтехстрой» трести ходимлари иш олиб боришмоқда.

ҚУРИЛИШДА — ПОЛИМЕРЛАР

Қурилишда полимерлардан фойдаланиш иншоотлар сифатини яхшилаб, меҳнат унумдорлигини оширади ва гўзал, тежамли ҳамда енгил бинолар қуришни таъминлайди. Лабораторияларда ўнлаб полимер материаллар ишлаб чиқилди, уларни намунаси синовдан ўтказилди.

Москвадаги тўртинчи Вятков переулогида полимерлардан тайёрланган биринчи беш қаватли тўрт секцияли уй қурилди. Янги уйнинг ички деворлари ёғоч, ёғоч тола ва ойна пластинкадан безатилган. Бу деворлар ҳар хил буюмлар учун тайёрланган жавонни эслатиб, бир-биридан синтетик материаллар билан ажратилган. Ички деворларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш уйни ўз дидига мослаштириш учун хонадонга қулайлик туғдиради.

Яқинда қурилиш саноати полимерлардан тайёрланган янги қурилиш материалларини оммавий ишлаб чиқаришга киришади.

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРЛАР ФЕСТИВАЛИ

15-20 сентябрда Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари қўғирчоқ театрларининг биринчи фестивали бўлади.

Бу фестивалда қўғирчоқ театрларининг сўнгги йилларда эришган муваффақиятлари намойиш қилинади. Фестивалга шунингдек, Москва, Ленинград, Болтиқ бўйи ва Украина республикасидан ҳам қўғирчоқ театр вакиллари таклиф қилинади. Шаҳримизда ўтказиладиган бу кичкинтойлар театри форумига Польша, Англия, Япония ва бошқа чет эллардан ҳам меҳмонлар келиши назарда тутилаяпти.

Фестиваль программасига мувофиқ ҳар куни учта спектакль намойиш қилинади, сўнгра театршунос ва танқидчилар томонидан муҳокама қилиб борилади. Бу албатта, жиддий имтиҳондир.

— Пойтахтимиз д а биринчи бор ўтказилаётган бу фестиваль театримизга катта ёрдам беради,— дейди Тошкентдаги қўғирчоқ театри бош режиссёри Исо Рафаилович Ёқубов. Ишимиздаги баъзи камчиликлар ва етишмовчиликлар н и бартараф этишда яқиндан ёрдам оламиз. Бу улкан форумни ниҳоятда қизиқарли ва яхши ўтказиш учун СССР халқ артисти Олим Хўжаев бошчилигида ташкилий комитет тузилди. Ташкилий комитетга Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, театр жамиятлари, санъатшунослик институти вакиллари театр директори ва бош режиссёрлари аъзо қилиб киритилди.

Ҳозиргача икки марта йиғилиш бўлиб, фестивалга қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида ахборотлар тингланди.

Фестиваль давомида ўнлаб спектакллар намойиш қилинади. Якунланишида эса ижодий конференция уюштирилиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари қўғирчоқ театрларининг келгуси режалари ҳақида фикр алмашинувлар бўлади ва энг яхши спектакларга дипломлар берилади.

Шаҳар қўғирчоқ театри фестивалида атоқли шоир Ҳамид Олимжоннинг «Семурғ» поэмаси асосида яратилган спектакль ҳамда украин драматурги Ефим Чеповецкийнинг «Буёққа кел, Микин» пьесалари намойиш қилинади.

Шунингдек, программада Коростилев пьесаси асосида яратилган «Айболит» асари ҳам кўрсатилади.

ЯНГИ ҚУРИЛМА

Бугун

ГЎШТ КОМБИНАТИДА ШВЕЦИЯНИНГ «ФРАНКА-МАТИН» ФИРМАСИДАН КЕЛТИРИЛГАН ЯНГИ ПОТОКЛИ ЛИНИЯНИ МОНТАЖ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ.

Бу линия ишга туширилгандан сўнг, бир суткада илгари 12 киши ишлаб чиқарган етти тонна саниска ўрнига тўрт киши шунча маҳсулот тайёрлаши мумкин.

ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

ҚАРДОШ ЧЕХОСЛОВАКИЯГА

Экскаватор заводи коллективининг яқиндагина ўзлаштирган «Э304-В» маркали маҳсулотига чет эллардa ҳам талаб ошиб боряпти.

Айни кунларда корхонанинг экспорт буюмлари жўнатиш бўлими қардош Чехословакия Социалистик Республикаси учун катта ҳажмда экскаваторлар жўнатишга ҳозирлик кўряпти.

Заводга Югославия ва Эрондан ҳам буюртмалар келган. Пилнинг охирида корхона шу давлатларнинг илтимосини бажо келтириб, 4 та экскаваторни уларга жўнатади.

ЗАВОДНИНГ ЭКСПОРТ ХАРИТАСИ

«Ташхимсельмаш» заводида тайёрланаётган «ОТН-8-16» маркали пуркагич машиналар ғўза зараркунандаларига қарши курашда деҳқонларга жуда қўл келяпти. Шу туфайли корхонага яхши истаклар билдирилган миннатдорчилик хатлари тез-тез келиб турибди. Шунинг қувончлиги, пуркагич машиналарнинг довруғи хорижий элларга ҳам аллақачон ёйилган. Завод буюртмачиларининг сони эса тобора ошиб боряпти.

Машинасозлар бу йил хорижий элларга 9 та агрегат жўнатиш лозим. Шу кунга қадар Ҳиндистонга 3 та, Уганда ва Бразилияга 2 та машина жўнатилди. Эквадор учун ҳам битта агрегат тайёрлаб қўйилди.

Заводнинг экспорт харитаси кенгайиб боряпти, Ҳиндистон, Покистон, Яман Республикалари «Ташхимсельмаш»нинг доимий буюртмачилари д и р. Бу йил эса уларнинг ёнига Уганда давлати ҳам қўшилди.

Тошкент тамғаси босилган машиналардан яна 3 таси Бирлашган Араб Республикасига экспорт қилинади.

«Зангори кема» лар довруғи

Тошкент тамғаси босилган «Зангори кема»ларга чет эллик мутахассислар ҳам катта баҳо беришмоқда. Шу сабабли «Ташсельмаш» заводига хорижий эллардан кўплаб буюртмалар келиб турибди. Завод меҳнат аҳли ана шу буюртмаларни бажариш иштиёқида ишлаб, яхши кўрсаткичларни қўлга киритаётир.

Яқин кунлар ичида Тунис республикаси учун тўрт қаторли «Ўзбекистон» пахта териш машинаси жўнатилади.

Келаси ойда эса Ҳиндистоннинг буюртмаси бажо келтирилади. Бу мамлакатга 3 та «14ХВ-2,4» машинаси юборилади.

Корхона ишчилари чет элларга кўплаб эҳтиёт қисмлар тайёрлаб жўнатмоқдалар. Жумладан, озодлик ороли — Куба республикаси учун 30 минг сўмлик, Болгария учун эса 28 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар юборилди.

Шуниси қувончлики, заводдан яна бир пахта териш машинаси Пловдивга қараб йўл олди. «14ХВ-2.4» машинаси бу ерда очиладиган қишлоқ хўжалик виставкасида намойиш этилади.


Қишлоқ мактабларига эътибор


Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети қошида ташкил этилган «Комсомол —қишлоқ мактабига» икки йиллик штабининг навбатдаги республика йиғилиши бўлиб ўтди.

Бу йиғилишга область комсомол комитетлари секретарлари, комсомол газеталари редакторлари, радио ва телевидение, маориф министрлиги, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ қурилиши министрлиги ходимлари таклиф қилинган эди.

Йиғилишда Бухоро, Фарғона, Тошкент область комсомол комитетлари қошида ташкил этилган «Комсомол-қишлоқ мактабига» область штабларининг ишлари ҳақида фикр алмашинди. Келгусида комсомол ташкилотларининг колхоз, совхоз, корхона ва шаҳар ҳамда қишлоқ мактаблари комсомол ташкилотларига ота-линғини кучайтириш масалалари кўрилди.

Йиғилишда республика ЛКСМ Марказий Комитети секретари Д. А. Абдураззоқова якунловчи нутқ сўзлаб, область комсомол комитетлари, қошидаги «Комсомол — қишлоқ мактабига» область штабларининг навбатдаги вазифалари тўғрисида тўхталди.





◆ РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИДА

ҚИЗИҚАРЛИ СУҲБАТЛАР

Инсониятнинг буюк доҳийси В. И. Ленинининг ҳаёти ва революцион фаолияти билан чуқур танишиш завод ишчиларининг диққат марказида. Ҳар сешанба куни завод цехларида «Ленин бугунги кунда» деган темада суҳбат ўтказиб турилади.

Айниқса 1-цех ишчилари бу суҳбатга уюшқоқлик билан қатнашмоқдалар. Завод лекторларидан А. Н. Степоненко, В. И. Проваловлар шу цехда бўлишиб, ниҳоятда сермазмун лекция ўқидилар.

ЧЕТ ЭЛЛАРГА


Геология асбоб-ускуналари ишлаб чиқариб, Ўрта Осиё республикаларининг геологларини таъминлаётган корхона ўз маҳсулотларини хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилади.

Ҳозир заводда 14 хил ер қазиш аппаратлари, ҳар хил насослар, 8 хил компрессор, ўнлаб вентилятор ва геология учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Яқинда тўрт хил коронка ва «КР-4», «КР-5» маркали турли зажимдаги ер қазиш асбобларидан бир партияси чет элларга жўнатилди.

● *Шаҳримиз истиқболи*

ИЛЬИЧ ХОТИРАСИ







Катта қурилиш ишлари кетаётган шаҳарда уй- ҳатто катта қўчалар қандай пайдо бўлаётганлигини қамраб олиш қийин. Баъзан йиқилган уйлар ўрнида кўп қаватли уйлар ёки мактаб, ҳашаматли кошона ёки гулзорлар вужудга келганлигини ҳам сезмай қоласан киши.

Аммо Тошкентда ҳар бир шаҳарлик назар ташлаб ўтадиган битта қурилиш бор. У Владимир Ильич Ленин марказий музейининг филиалидир.

Мамлакатимизда г и энг яхши меъморлар унинг режасини туздилар, энг яхши шаҳар қурувчилари бу бинони қуришмоқда. Пётр Котенко ва Мухтор Хабибуллаев бошлиқ комплекс бригадалар нул циклидан иш бошлаб, сўнгра «Спецстальконстру к ц и я» монтажчилари бинони монтаж қилишди.. Бино қаватлари биринкетин тикланди. Яков Рисеев бошлиқ бригада аъзолари прораб А. Довидко ва қурилиш бошлиғи Ю. Кузьмин бошчилигида 170 тонна металл конструкцияла р и н и мослашди. Июнь ойида монтажчилар 5 қаватнинг тўла тикланганлиги тўғрисида рапорт беришди. Энди навбатдаги ишларни қурувчилар, электрчилар, сантех - монтажчилар давом эттиришмоқда. Улар деворларни монтаж қилиб, темир-бетон ётқизишмоқда, санитария-техника жиҳозларини ўрнатишмоқда.


Бино атрофини ранг-баранг каркас ўрайди. Қурувчилар ҳар бир қаватда иш қилаётган бир пайтда бир гуруҳ рассомлар А. Н. Коник раҳбарлигида музей залларини ижоди борича яхшироқ безаш учун ижодий изланиш билан банд. Улар улуғ доҳийнинг ҳаёти, революцион фаолияти, ёш совет давлатига унинг шахсан бошчилик қилганлиги, уруш вайрон қилган халқ хўжалигининг тикланиши. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ленин ғояларини ҳаётга тадбиқ қилиб, мамлакатимиз қувватини ошириб, бойлигини мустаҳкамлаганини, жонажон еримиздан душманларни ҳайдаб хўжалик, маданиятни ривожлантириб, советлар мамлакатининг халқаро аҳамиятини мустаҳкамлаганлигини ифодалаш фикри-зикри билан банд.


Рассомлар содда, бежирим бўёқларда Ленин ғояларини ифодалаш тўғрисида ўйламоқдалар.

Биз бу ерда газетхонга ҳавола қилаётган суратларда сиз рассомларнинг ижодий изланишлари ва ижоди билан танишишингиз мумкин.

Биринчи суратда: — музейнинг олдинги қисми. Иккинчи суратда, — Музей интерьери. Учинчи, тўртинчи ва бешинчи суратларда эса баъзи залларининг кўриниши ифодаланган. Олтинчи суратда: қурилаётган бинонинг умумий кўриниши.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.





СУРАТДА: Ю. Гагарин хиёбонининг кўриниши.

М. Нуриддинов фотоси.

● *Маиший хизмат янгиликлари*

«Самарқанд осмонида юлдузлар»

«Ўртоқ» кондитер фабрикасининг конвейерларидан янги «Дилшод» ва «Гулнора» конфетлари савдо тармоқларига чиқарилди.

Қандолатчилар Самарқандининг 2500 йиллик юбилейига атаб «Самарқанд осмонидаги юлдузлар» деб аталувчи конфетни чиқара бошладилар. Йил охиригача яна ўн олти номдаги конфет, қутичали шоколадлар ишлаб чиқарилади.

Маҳсулотлар кўпаяди

Шаҳримиздаги 4-нон заводи маҳсулотлари ҳамшаҳарларимизни н г дастурхонини безамоқда.

Бугун-эрта бу ерда бир кеча-кундузда 15 тонна нон маҳсулоти берадиган янги цех ишга тушади. Бу цехда асосан турли булочкалар, майда нонлар ишлаб чиқарилади.

чет элларда

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Шаньси вилоятида халқ ғалаёнлари бўлаётганлиги тўғрисида Хитойдан хабарлар келди. Олинган хабарларнинг манбаларидан бири — «Хитой Компартияси Марказий Комитетининг билдириши» бўлиб, бу билдириш вилоятда Мао Цзэдунининг кўрсатмасига биноан тарқатилган.

Шу ҳужжатда айтилишича, Шаньсининг марказий ва жанубий районларида ва вилоят пойтахти Тайюанда шаҳрида: «ҳамма боқичлардаги революцион комитетларга ҳужумлар қилинмоқда», ва «баъзи шахслар ҳарбий қисмларга ҳужум қилиб, уларни қуролсизлантирмоқда». Мавжуд маълумотларга қараганда, бир қанча ҳолларда солдатлар ва ҳатто маҳаллий гарнизонларнинг командирлари халқ томонига ўтиб олганлар.

Мао «қон тўкишни тўхтатишни ва жипслашишни таъминлашни» талаб қилди. Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимидаги мана шу тоғлик вилоятга қўшимча ҳарбий кучлар юборилган.

Шаньсидаги воқеалар Мао Цзэ-дунининг халқ манфаатига зид ҳарбий бюрократик диктатурасида армия асосий таянч эканлигини қайта-қайта исботламоқда. Мудофаа министри Линь Бяо «армия бўлмаса, маданий резолюция бўлмас эди ва Мао йўлини ўтказиш мумкин бўлмас эди» деб очиқ айтди.

Шаньси вилоятида Мао диктатурасига қарши чиқишлар июль ойининг охирида — Хитой Халқ Озодлик армиясининг байрами ўтказилмасдан анча олдин бошланди. Шу байрам муносабати билан Пекин газеталари «янги тазгибни» сақлаб туришда ҳарбийларнинг «ҳал қилувчи роли» тўғрисида кўп ёзган эди.

Хитой Халқ озодлик армиясининг 42 йиллиги куни 1 августда «Жэньминь жибао», «Цзэфанцзюнь бао» газеталарида ва «Хунци» журналида ўзлон қилинган директив мақолада «маданий революция» давом эттириларверади ва «ҳамма нарса армиянинг ҳарбий контроли остига олиниши лозим» деб таъкидланган эди.

«Ҳарбий контроль остига олиш» нималигини яқинда «Жэньминь жибао» газетаси ҳикоя қилиб берди. Газетада босилган катта мақолаларнинг бирида Хэбэй вилоятидаги Нанькоу паровоз-ремонт заводида ҳарбийлар қандай, «жонбозлик» кўрсатаётганлиги тасвирлаб берилган. «Мао Цзэ дун йўлини» енг ommaнинг мияси-га сингдирмоқ учун,— деб ёзди «Жэньминь жибао» газетаси,— солдатлар заводдаги ишчиларнинг ҳаммасини «Мао идеаларини ўрганиш роталарига ва взводларига» бўлиб қўйдилар. «Машғулотлар»да ҳарбийлар, «маданий революция» вақтида ким, қандай ҳаракат қилди, деб қаттиқ терговга ўтказади. Шундай қилиб, Маонинг мухолифлари «аниқлаб олинди» ва «қолган оммани Мао идеалари руҳида тарбиялаш мақсадида улар кўпчилик олдида жазоланди».

Корхоналардаги казарма режими ишчиларни ҳали ҳам жуда газаблантирмоқда. Яқинда «Хэйлунцзян жибао» газетаси «Н-чи қисмнинг Цицикаредаги қанд заводида жазо операциялари ўтказганлиги ҳақида ёзди. Шу корхонага жойлаштирилиб қўйилган солдатлар, дейилади газетада, Маонинг янги тартибидан норози бўлиб гапирганларни жазоладилар.

Хитой армияси халқ манфаатларини ва революцион ғалабаларини ҳимоя қилиш учун тузилган эди. Эндилинда эса меҳнаткашларнинг чиқишлари бостирилаётганлигини, «Мао идеалари эўрлаб жорий қилинаётганлигини», саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ҳарбийлаштирилаётганлигини армиянинг хизмати, деб кўрсатмоқдалар.

Хитой Халқ озодлик армиясининг байрамидан маочилар Советларга қарши ва ҳарбий васвасани авж олдириш учун фойдаландилар. Маонинг «маҳрумликлардан қўрқилмасин, ўлимдан қўрқилмасин» деган «янг янги» кўрсатмаси газеталарда эўр бериб такрорланмоқда. Амур дарёсидаги Гольдинский оролида хитойлар қуроли ижтогарлик қилганларидан кейин дарҳол бу кўрсатма матбуот саҳифаларида пайдо бўлиб қолди. Мао ва унинг шериклари «шимол томондан хавф бор» деб қилинаётган соҳта пропаганда билан яқобланиб, Хитой халқини қатъий маҳрумликларга, ҳарбий диктатура режимига доимо чидаб беришга мажбур қилмоқчилар. (ТАСС).

ЖОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

СИМФЕРОПОЛЬ. Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Г. Гусак ва Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти ўртоқ Л. Свобода Қримда қисқа муддатли дам олиш вақтида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний билан суҳбатлашдилар.

КПСС билан ЧКП ўртасидаги қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, Совет Иттифоқи билан Чехословакия ўртасида ҳар тарафлама ҳамкорликни кучайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари самимий дўстона вазиятда муҳокама қилинди.

● Бугун чорвачилик илмий-текшириш институтида

Қорабайир зотдор от

Институтнинг отчилик бўлими илмий ходимлари Афанасьева раҳбарлигида қорабайир зотини янада яхшилаш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб боришяпти. Бу зот республика шароитида янада ривожланади ва отнинг семизлиги яхшиланади ҳамда ундан қимиз соғиб олиниб, дори сифатида ишлатилади.

Қорабайир отлари республиканинг тоғ шароитларида айниқса деҳқонлар учун транспорт воситасида кенг фойдаланиб келинаяпти.

Ўзбекистон қорабайир отларига чет элда ҳам қизиқиш катта.

●

Асал—минг дардга даво

Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Крахотина ва бир группа илмий ходимлар институтнинг асаларичилик бўлимида республикада асаларичиликни ривожлантириш ва тўғри жойга жойлаштириш устида ишламоқдалар.

Ҳозирги пайтда республика хўжаликларида 10 мингдан ортиқ асалари уяларн бор. Асаларичиликни янада ривожлантириш, ундан кўпроқ бол олиш учун асаларн қўйилган майдонларни қишлоқ хўжалиги маданияти қоидаларига доир чангламтирмш зарурднр. Бу ишни амалга оширишда институт тадқиқотчиларн самарали меҳнат қилмоқдалар.

●

Қимматбаҳо жун

Институтнинг профессор П. Ф. Кияткин раҳбарлигида илмий ходимлар 25 йилдан буён маҳаллий зотдор бўлмаган эчкилар ва Ангор эчкиларининг зотини янада яхшилаш, унинг жунининг сифатли бўлишига эришиш учун тадқиқотлар олиб боришяпти.

Бу эчкилар оппоқ, жуни қуюқ ҳамда мустаҳкам бўлади, узунлиги эса 20-25 сантиметргача етади. Жуни худди илан кабн ялтираб туради. Шунинг учун ҳам эчкилар жуни шерсть ишлаб чиқарувчи саноатда юксак баҳоланади.

Маҳаллий эчкилар чорвачилик қоидалари асосида яхши боқилса, оғирлиги 55-60 килограммгача, қимматбаҳо жуни эса 3-3,5 килограммгача етнлади. Ҳозир республикада 50 мингдан ортиқ маҳаллий эчкилар мавжуд.

В. УРИЦКИЙ,
илмий ходим.



Пушкин кўчасида Москва бинокорлари тош кентликлар учун қурган кўпқаватли уйлар ҳамманинг диққатини ўзига тортади. В. Скроткин ва И. Глауберзон фотоси.

Диллар муаттар

ЛАВҲА

— Ойи, мана бу «Фероза» атиридан ола қолайлик, дугонам хурсанд бўлади-да, исми ҳам Феруза-ку, худди атайлаб ёздиргандай-а!!

— Майли, қизим, ола қол, совға қилишга арзигудай экан, — деди она қўлида ихчам қутичага солинган хушбўй атирни ушлаб, ҳидлаб кўраркан.

Раъно дугонасиникида именинада ўтирар экан, қизлар сўраб қолишди:

— Раъно, «Лайлилиси йўқмикан-а?

— Бор, «Ширин», «Гули» деган жажжи атирлар чиқарилаяпти Тошкентимизда.

Хотин-қизларимизнинг нозик дидларига ёқадиган бундай хушбўй атир-упаларни Тошкент уп-олик фабрикаси ишлаб чиқармоқда.

Фабрика 80 га яқин юқори ассортиментли атир-упа ишлаб чиқаради. Жумладан, 1969 йил бошидан бери «Чилонзор» деб номланган совға наборидан бир кварталда 25.300 дона, «Феруза»дан эса 10.700 дона тайёрланди. Фабриканинг яна бир ижобий ишининг афзаллиги шундаки, нозик-нафис холда чиқарилаётган атирлар уринмай турши кўзда тутилиб, 80—90 процентга яқини қутичаларга жойланяпти.

«Дилором», «Шарқ» атирлари ўтган йил маҳсули ҳисобланса, «Феруза», «Чилонзор», «Совға» наборлари ҳамда «Гули», «Ширин» каби атирлар бу йилги маҳсулотлардир.

Фабрикада 250 дан ортиқ киши ишлайди. Бу ерда учта цех бўлиб, косметика цехи айниқса диққатга сазовордир.

— Уч йилдан буён цех коммунистик меҳнат коллективи номи билан ишлайди,— дейди цех бошлиғи Санобархон Қосимова.

Қайси бир цехга кирманг, фабрикада хотин-қизлар кўпчилигини ташкил этганини кўрасиз. Ҳаммадан уларнинг ўз ишига моҳирлигини айтмайсизми!

Фабриканинг илғор ишчиларидан Г. Бекмуҳамедова, М. Корабоева, М. Мирзақосимова, Е. Асеева, Г. Папковалар ойлик топшириқларини 130—140 процент қилиб бажаришмоқда.

Фабрика Ўрта Осиё республикалари ҳамда Украина ССРга кенг ассортиментли атир-упа, тиш пасталари етказиб беряпти.

А. НОСИРОВА.

„Тошкент оқшоми" БОНГ УРАДИ

ШАРТНОМАДА БОРКУ!..

НОН ТАЙЁРЛАШ КОРХОНАЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИ ОЛДИДА ҚАРЗДОР

Тошкент шаҳрида 16 июлдан 18 июлга қадар Ўзбекистон ССР савдо ва озиқ-овқат саноати министрликларининг ташаббуси билан савдо ходимлари ҳамда нон маҳсулотлари тайёрлаш саноати ходимларининг кенгаш — семинари ўтказилди.

Бу кенгашнинг мақсади ҳозирги пайтда нон билан савдо қилиш масалаларини ўрганиш, ишлаб чиқариш технологиясини яхшилаш, маҳсулот хилини кўпайтириш, сифатини ошириш, транспортга юклаш ва тушириш, савдодаги янги прогрессив методларни ўрганиш, шунингдек нон маҳсулотлари тайёрлаш саноати тармоқларининг ривожланиш истиқболларини белгилашдан иборат эди.

Ўзбекистонда нон тайёрлаш корхоналари деярли қайтадан қурилди. Нон тайёрлаш саноатининг ривожланиши ҳамда кўплаб нон ва нон-булка маҳсулотлари хилларининг кўпайиши билан маҳсулот сифати ҳам яхшиланмоқда.

Йил сайин олий навдаги унлардан нон тайёрлаш кўпаймоқда. Доналаб сотиладиган маҳсулотларни тайёрлашга тўла ўтилди. Аҳолига нон сотиш савдо маданияти ўсди, савдо тармоқларининг нон маҳсулотлари билан савдо қилиши кенгайди. Эндиликда нон ва нон-булка маҳсулотларига навбат кутиб туриш ҳолларига чек қўйилди.

Корхоналар энг янги автоматик ва ярим автомат машиналар билан жиҳозланиб, қўл меҳнати механизмлар билан бажариладиган бўлди.

Шу тадбирлар туфайли республикамизда нон ва нон-булка маҳсулотларига бўлган аҳоли талаби ҳамма ерда қондирилмоқда.

Аммо аҳоли талабида сифат, ўзгаришлар рўй берди. Истеъмол маҳсулотларида юқори калориялик, тўйимли маҳсулотлар — гўшт, колбаса маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар кўпроқ истеъмол қилинадиган бўлди. Йил сайин нон ва нон-булка маҳсулотларига бўлган талаб камайиб бормоқда. Бунинг ҳаммаси аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш тобора яхшиланиб бораётганидан далолат беради.

Шу муносабат билан ассортиментни ўзгартиш, нон маҳсулотлари сифатини яхшилаш, савдо маданиятини ошириш талаблари кун тартибига қўйилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, нон заводларида тайёрланадиган нон-булка маҳсулотларининг сифати истеъмолчи талабига тўла жавоб бермайди, унинг хиллари жуда оз.

Корхоналарда 600, 500, 400 граммлик, қолипларда тайёрланган нонлар мутлақо пиширилмаётир: Ҳолбуки, бундай нонларга талаб катта. Шунингдек, жавдар буғдойдан тайёрланган нон ҳам камчил.

Корхоналар 50-75 граммлик (мактаб, техникум, институт буфетларини таъминловчи,) нархи икки-уч тийин турадиган кичик булкалар ишлаб чиқармаяпти.

Шундай қилиб, истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари тўла қондирилмаяпти. Саноат нон-булка тайёрлашда нуқул ўз фойдасини кўзламоқда.

1967 йили Тошкент булка-кондитер комбинати нон пиширш саноати ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашида ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Москва плюшкаси, ярославль булкаси, славян булкаси, докторнон сингари маҳсулотлари учун коллектив мукофотланди. Кондитер комбинатининг мастерлари Б. Акромов ва Ш. Шоюсупов маҳсулот сифатини яхшилашдаги киритган тадбирлари учун мукофот ҳам олишди.

Аммо тақдирлашга сазовор бўлган бу нонлар пойтахт аҳолиси дастурхонида узоқ турмади.

Масалан 1-Тошкент нон заводида шундай воқеа юз берди. У ерда суткасига беш тонна нон пиширадиган механизациялашган тандирни ихтиро қилганликлари учун кўп рационализаторлар мукофот олишди. Амалда эса ҳозир бу корхона кунига 550-600 килограммдан сифатсиз маҳсулот тайёрламоқда.

«Узглавхлеб» нинг бепарволиги туфайли кўпчилик ҳолларда нон хамири нормадагидан бўш бўлиб қолмоқда. Шундай ҳоллар ҳам рўй бермоқдаки, нон-булка маҳсулотлари савдо тармоғига келгунча 20-50 грамм камайиб кетади.

Тошкентдаги қашқар нонлари тайёрлаш комбинатида айрим ҳолларда намлик нормадагидан 42 процент ошириб юборилмоқда, оби нонинг тоши эса 20-50 грамм камай тирилмоқда.

3-нон заводида ҳам шундай ҳолни кўриш мумкин. У ерда тайёрланадиган патирга қўшиладиган ёғ нормадагидан 3-4 процент камайиб кетмоқда.

«Узглавхлеб» системасида борган сари пиёзли нон, жиззали нон, сутли нон, ширмой нон, патир сингари аҳоли ўртасида кенг истеъмол қилинадиган нон маҳсулотлари савдо ташкилотларига чиқарилмай қўйди. Ҳолбуки, бу ассортиментнинг ҳаммаси нон тайёрловчилар билан савдо ташкилотлари ўртасида тузилган шартномада кўзда тутилган. Ҳар йили шартнома тузувчи ташкилотлар 40-50 номдаги маҳсулот тайёрлаш тўғрисида имзо чекишади. Аслида эса саноат тайёрлаётган маҳсулот 15-20 хилдан ошмайди.

Сўнгги пайтларда шаҳар нон тайёрлаш корхоналари ўз маҳсулотларига сут, мой, суюза сингари нон-булка маҳсулотлари таъмини яхшилаб, уларнинг сифатини узоқ сақлаб қоладиган маҳсулотларни ишлатмаяптилар.

Шуниси характерликн, шартномадаги ассортиментни тўла етказиб бериш ўрнига йилдан йилга кварталдан-кварталга нонлар хили камаймоқда.

Шу нарса ажабланарлики, нон тайёрлаш комбинати (директори И. Тоҳиров) савдо ташкилотларининг бир неча бор эътироз билдиришларига қарамай, аҳоли талабига мутлақо жавоб бермайдиган нон-булка маҳсулотларини тайёрлашни давом эттирмоқдалар.

Шунга қарамай, шу йилнинг биринчи ярмида комбинат «Ташхлеботорг»га шартномада кўрсатилганидан 286 тонна кўп нон, патир, ва 20 тоннадан кўпроқ гажда тайёрлаб чиқарди. Бу маҳсулот фирманики бўлишига қарамай, сифати паст бўлганлиги учун яна корхонага қайтарилди.

Бу комбинатда нон пиширилядиган оддий қолиплар маҳсулотнинг кўркини очадиган крахмал клейстер билан мойланмайди. Натижада нон ўз кўркини йўқотади. Шунингдек унинг таъми бузилади. Бунинг учун зарур бўладиган компонентлар (патока, қанд, тимин, анис, кориандр, горчичка мойи, майиз, кунжут, сут ва бошқалар) қўшилмайди. Ҳолбуки, улар нонинг таъмини яхшилаб, сифатини анча орттиришга ёрдам берарди.

Нон-булка маҳсулотларининг тепасида қабурға, бурчак ва бошқа белгилар кўзга аниқ ташланмайди. Маҳсулот прейскурант ва технологик камчиликларга эга.

Корхоналар технологик назорати бўлими ходимларининг вазифаси—ўз ишини қайтадан қуриб, нонни ўз вақтида чиқариш ҳамда сифатли нон-булка маҳсулотларини савдо тармоқларига етказиб беришдан иборат. Бракка йўл қўйилган тақдирда уни техника контроли бўлимлари ходимлари ва корхона раҳбарлари ҳисобидан ундириб олиш вақти етди.

М. РУСТАМОВ,
Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги меҳнатни илмий ташкил этиш республика марказий лабораториясининг бошлиғи.

● *Мутахассис луқмаси*

Жумбоқ луғат

Анчадан бери кўришмай юрган бир ошнамни учратиб қолдим. Қуюқ сўраша кетдик.

— Э-э Қодирвой, бормисан, шаҳарда кўринмайсан?

— Гидротехник бўлиб ишлаяпман, сув омборидаман. Сув димловчи иншоот қуряпмиз.

— Тушунтириб гапир, сув димловчи иншоот деганинг нима?

— Сув димловчи иншоот — Водонапорное сооружение деганим, ана шундай иншоот қуриб чорвадорларга сувлоқ қилиб берамиз. Сувни биласанми-дўстим, устунлар устидан ўтказиб эгри остона орқали оламиз. Ҳа, эгри остона орқали олинган сув димловчи иншоотдан ўтиб, минорали тушурикка боради. Тушурикка келган сув ташламага новсимон ёки қувурсимон тезоқар бўйлаб сочиб ўрнатилган тўсинларга урилиб, юқори қиялик бровкаси билан цилиндрик қулфакка тушади ва ундан ўткир қиррали оқова ҳосил қилиб, сув урилма девор орқали вакуумсиз оқоволарга қўшилиб кетади.

— Тилингга одам тушунмайдиган бўлиб кетибдику, ўртоқ. Қаёқдан ўргандинг бу гапларни.

Дўстим чўнтагидан «Русча-ўзбекча гидротехника терминлари луғатини» олиб берди.

Антиқа луғатни варақлаймиз. Автори техника фанлари кандидати З. Ҳ. Ҳусанхўжаев. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриётининг 1969 йилги маҳсули.

Гидротехник Қодиржон бир оз вақтима қилапти деб фараз қилган эдим, дўстим ҳақ бўлиб чиқди.

Автор ўз луғатида тилимизнинг грамматик қоидаларига мутлақо риоя қилмаган. Унда терминлар таржимасини бериш керак бўлган ҳолда, ҳаракатлар, белгиларнинг номлари хоҳлаган келишикда, хоҳлаган шаклда келтирилган. От, сифат, феъл тушунчалари ҳам бир-бири билан чалкашиб кетган.

Мисол: «Башенний водозабор» термини «Минора орқали сув олиш», деб изоҳланган. Ҳолбуки, «Башенний водозабор» иншоот номи бўлиб, у сув тўплаш учун хизмат қиладиган минора ёки аниқроғи минора шаклидаги сув тўплаш иншоотн ҳисобланади. Шунингдек, «Водонапорная башня» сўзи «Сув босими минораси» деб нотўғри таржима қилинган. Сувнинг босимини кучайтириб берадиган минора ёки босим ҳосил қилиб берадиган минора, дейилса мақсадга мувофиқ бўларди. «Водомерный пост» сўзи ҳам «чи» қўшимчаси қўшилиб, грамматик жиҳатдан бузиб «Сув ўлчовчи пост» деб таржима қилинган (9-бет).

Луғатнинг яна битта жиддий нуқсони автор-нинг янги-янги сўзларни ўзича «ижод» қилганлигидадир. Чунончи: «Водолой» терминини — «Сувлоқ!» деб «Водонапорное сооружение» сўзини «Сув димловчи иншоот» тарзида, «Водозабор с кривсбилейным порогом» сўзи «Эгри остона орқали сув олиш иншооти» каби таржима қилибди (8-9-бетлар).

Авторнинг «қўлбола ижодлари» луғатда кўп. «Қулфак»., «тушурик», «сакрагич», «ташлама канал», «новсимон тезоқар», «бўйтўсинн». «тушурик галереяси», «ўткир қиррали оқсва», «Сув урилма қудуқ», «Сиқиқ соҳил», «Тескари қиррали мих», «Остдаги остона», «Галвираи плита», «Тишли сакрагич», «Тешик тиргаклер» каби «антиқа» сўзлар луғатга бемалол киритилаберган.

Гидротехника терминлари луғатига киритилган илмий сўзлар, айниқса янги терминлар таржимасиз, ҳатто мутлақо изоҳсиз қолдирилган. Масалан: «Гидрография» — «гидрография»лигича, «Гидромеханика» ўзича, «дроссель» — «дроссель»лигича, «забой» — «забой», «запань», — «запань». «кавальер»—«кавальер», «кавитация» — «кавитация», «кольматаж» — кольматаж» ва ҳоказолар. Луғатда бундай айнан ёзилган терминлар кўп. Таржимасига қийналган автор мутахассис сифатида изоҳини бериш мумкин эмасмиди? Луғат имло хатоларидан ҳам ҳоли эмас. Китобча муҳаррири С. Саидмаҳмудов корректор Т. Абдужабборовалар бунга эътибор беришмаган.

Биз луғатдаги жумбоқлардан айримлари устидагина муҳокама юритдик. Шу мулоҳазалар асосида луғат қайта кўриб чиқилса дуруст бўлур эди.

Ш. ҚОСИМОВ,
инженер.



Студентлар шаҳарчасидаги Тошкент Давлат университетининг янги корпуслари шаҳарчага ҳусн бахш этиб турибди. В. Исаков фотоси.



Рангли фидьмларни цветировка қилиш ус. тановкасида банд бўлган киши барча рангларни тезда пайқаб олиши керак. Бу «Узбекфильм» студиясининг лабораториясида плёнкаларни ишловчи Люба Вороновага ҳам тегишли. Яқинда унинг иштирокида марказий телевидение буюртмасига биноан «Донра рақсга чорлайди» фильмнинг нусхаси кўчирилди.

Л. Глауберзон фотоси.

● Киоска олдидаги ўйлар

КИОСКАЧИ ВА КИОСКАЛАР

Эрталаб ишга, ўқишга шошамиз. Албатта, ўша корхона ёки муассаса институт ёки техникум, мактаб ёки ясли олдида жойлашган «Союзпечать» киоскаларидан газета ва журналлар оламиз. Дунё янгиликлари, муҳим воқеаларни билишга ошиқамиз. Ҳар куни бу одат такрорланади. Ҳар куни эрталаб киоскалар олдида одамлар гавжум бўлади.

Шунчаки қараганда, киоскачининг иши жуда оддий кўринади: газетхоннинг пулини олади-ю, газета ёки журнал бериб юборади, холос. Жуда осойишталик билан ўтирган жойида ҳамма иш-ни битказаверади. Аммо, барча бошқа касблар каби, киоскачилик ҳам ўз ишига ижодий ёндошишни талаб қилади. Касбига меҳр қўйган киоскачилар, газета ва журналларни қабул қилиб олгандан кейин уларни тахлайди, газетхонга газета ёки журналларни олишда ёрдам беради, тавсия қилади. Бунинг учун киоскачи газета ва журналларни бирров кўздан кечирган бўлиши ва қандай муҳим воқеалар ҳақида хабарлар босилганини билиб олиши керак. Шунда унинг доимий харидорлари бўлади. Киоска олдидан одам аримайди, савдо қизғин давом этади.

Чорсудаги киоскада Р. Ёқубжонов 25 йилдан буён ишлайди. У ўз ишига шунчаки эмас, чин дилдан ижодий ёндошади. Кундалик номерларни синчиклаб кўздан кечиргандан кейин дўконга чиқаради. Газеталарни кўринарли жойга ноҳоятда чиройли қилиб тахлайди. Ҳар бир газетхоннинг дилидагини тезда англайди, шунга қараб муомала қилади. Шунинг учун ҳам у 40 га яқин номдаги газета ва ўттиздан ортиқ журнални ўз вақтида харидорларга етказиб беради, планни ортиғи билан ўринлатаяпти.

Раҳим аканинг белгиланган вақтда ишлаб кетаверадиган одати йўқ. Нашрларни тамомлан сотиб бўлиш учун қайси вақтда ўз мухлисларининг келишини кутади. Баъзан газета ва журналлар ёлғлмаган миқдорларига керакли нашрларни олиб қўяди...

Шаҳримизнинг деярли барча серқатнов жойларида киоскалар мавжуд. Масалан, Эскижувадаги бир-бирига ун бурчак, Хадрадаги қарама қарши, Навоий театри олдидаги икки-уч ва Асакинский бекатидаги ён-ма-ён киоскалардан одам аримайди. Керакли газета ва журналлар тезда ўз эгаларига етиб боради.

— «Тошкент оқшоми» газетасини мен ишлаётган киоскага кеч соат 5 ларда олиб келинади ва орадан бирор соат ўтар-ўтмас тугаб қолади. Одамлар ўша куни ва эртасигача «оқшом»ни сўрайвериб, қулоқни қоқиб қўлга беради,— дейди 45-киоска сотувчиси Кашифа опа Аҳмедова. Ахир 50 дона газета нима ҳам бўларди. 200 дона бўлса ҳам бу ерда сотиб юбориш мумкин. Асакинский бекати жуда серқатнов жой.

— Бироқ — дейди гапида давом этиб Кашифа опа,—Э. Тельман номли маданият ва истироҳат боғига яқин жойда киоска йўқ. Агар ўша ерда киоска очилганда одамларга яна бир қулайлик туғиларди. Умуман шаҳримиздаги барча боғларга яқин жойларда газета ва журналлар киоскаси очиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ваҳоланки, Киров, М. Горький ва «Победа» боғларини ҳисобга олмаганда, бошқа истироҳат жойларида киоскалар йўқ.

Тажрибали киоскачи ҳақ бу гапи билан. Дарҳақиқат, дам олувчилар боққа киришлари, олдидан газета ва журналлар олишади.

— Доимо харидорлар савоблига ҳозиржавоб бўлиб туриш керак, — дейди 40-киоска сотувчиси В. Мусахонова, —чунки, бунда биз киоскачилар уларнинг яна келиши ва доимий мижоз бўлиб қолишини таъминлаймиз.

План ҳам бажарилади. Энг муҳими газеталар ўз мухлисларини топади. Газеталар сотилмай қолмайди. Ахир ўз ишига совуққонлик билан қараш натижасида запас товарни қайтириб беришга кимнинг юзи чидайди.

Газета ва журналлар тарқатишнинг энг муҳим омилларидан бири шу газета ва журналларнинг ўз вақтида киоскаларга етиб келишидан ташқари аҳоли талабини ҳисобга олишдир. Масалан, Чорсу, Эскижува, Кўкча ва «Янгиобод» шаҳарчаларида ўзбек тилидаги нашрларнинг шубҳасиз тез сотилиши ва эҳтиёж ҳам орта бориши мумкин. Шунинг учун киоскаларга аҳоли жойлашиши ва уларнинг талабига қараб газета ва журналлар чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Қайси бир жойларда киоска жуда зич жойлашган. Лекин шаҳарнинг барча маҳалла ва даҳаларида, сергавжум жойларда киоскалар бор, деб бўлмайди. Масалан, Шимолий Шарқ-2 массиви, Высоковольт массивининг шимолий қисми, Чилонзорнинг 26-кварталн, Бешқайрағоч массиви ва бошқа аҳоли ниҳоятда зич бўлган жойларда киоскалар очиш керак. Шундагина аҳоли газета ва журналларни ўз вақтида олиб, дунё янгиликлари, муҳим воқеалардан хабардор бўлишади.

Негадир кейинги йилларда газетанинг энг оммавий пропагандаси — шаҳар транспортида газета сотиш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Шаҳарда 316 трамвай, 280 троллейбус ва 1300 дан ортиқ автобуслар қатнайди. Уларда тонгги ва оқшом газеталарини сотишни ташкил этиш газетхонларга катта қулайлик бўлур эди. Албатта трамвай-троллейбус бош қармаси ва автопарк раҳбарлари бу масалани ўйлаб кўради, деган умиддамиз.

Шаҳримизда 254 киоска ишлаб турибди. Буларнинг баъзасини икки сменада ишлатишнинг имкони йўқ, албатта. Аммо энг серқатнов жойларда (масалан, вокзал, аэропорт, автобус станцияси, Хадра, Эскижува, Навоий, Госпиталь бозори) иш икки сменада ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Умуман газета ва журналларнинг барча турларининг ўз вақтида эгаларига етиб бориши киоскачиларнинг ишчанлиги ва шаҳар транспортида сотилишига ҳам боғлиқ. Газета киоскаларда қолиб кетмасликн керак. Бу ҳақда «Союзпечать» шаҳар агентлиги (бошлиғи М. С. Маназаров) жиддий ўйлаб кўриши ҳамда газета ва журналларнинг ўз вақтида мижозларига етиб боришини таъминлаши зарур.

К. НОРМАТОВ.

● Шифобахш ўсимликлар

ЯЛПИЗ

Ялпиз — шифобахш ўсимлик. У Ўзбекистоннинг соя-салқин ерларида, арик бўйларида ёввойи ҳолда ўсади. Ҳозир ялпиз Украина, Белоруссия, Краснодар ўлкаси, Воронеж областида ва бошқа жойларда маданий ҳолда ўстирилмоқда.

Ялпиз баргида тез учувчан эфир мойи бор. Эфир мойининг асосий қисми ментол ва ментон деб аталади. Булардан ташқари ялпизнинг баргида витамин «А» сингари фойдали кортн моддаси ҳам мавжуд.

Медицинада ялпизнинг барги ва ундан олинадиган шифобахш дорилар бошнинг мигрен касалини, тиш оғриғини, шамоллаш, юқори ҳаво йўлларн ҳамда турли нерв касалликларини даволашда ва дезинфекция қилишда кенг қўлланилади.

Булардан ташқари, ялпиз юрак мускулини қон билан таъминлайдиган коронар қон томирларини кенгайтиради. Юракнинг стенокардия касаллигини даволашда ҳам кенг қўлланилади.

Беморларда кўнгил айнаш ва қайт қилиш ҳолатларн кўпроқ содир бўлиб турса, ялпиз барглари ивитилган сув ёки тайёр ялпиз томчисидан ичиш тавсия қилинади.

Ялпиз баргларини овқат билан кўпроқ истеъмол қилган киши юрак, ошқозон-ичак ва ҳаво йўллари касал ликларидан ҳоли бўлади.

Ялпиз баргларини ёз ойларида йиғиб, соя ерда қуритиб майдаланса, йил бўйи овқатга қўшиб ичиш мумкин.

Х. ИБОДОВ,
доришунос.

„Тошкент оқшоми"да босилгандан кейин

БОЗОРЛАР ФАЙЗИ ҚАНИ?

Шу сарлавҳа остида газетамизнинг 30 июнь сонида босилган материалда шаҳардаги Одой, Госпиталь, Сельмаш, Қўйлиқ, Биринчи Май бозорларидаги тартибсизликлар, жумладан биринчи навбатда санитария ҳолатига риоя қилинмаётгани, сотувчиларга яхши шароит яратиб берилмаётгани, бозорларнинг файзи кетаётганлиги танқид қилинган эди.

Шаҳар колхоз бозорлари бошқармасидан олинган жавобда қуйидагилар ёзилган:

Мақолада келтирилган нуқсонларни тугатиш юзасидан бир қатор ишлар қилинмоқда. Аввало мақола барча бозор ходимлари ўртасида муҳокама қилинди, бу йиғилишларда бозорларда санитария ҳолатини яхшилаш ва савдо маданиятини ошириш юзасидан зарур чоралар белгиланди. Бозорларда гроллейбус бош савдо қилиш ман этилди, энг яхши жойлар ўз маҳсулотини сотишга келган деҳқонларга бериладиган бўлди. Барча савдо ходимларига махсус кийимлар ажратилди, бозорни кунда дезенфекциялаб туриш, кечга бориб территорияни ювиш тартиби қатъий жорий этилди.

Ҳозир Олой бозоридаги гўшт-сут корпусида еттида электр қайнатгич ишлаб турибди. Бу электр қайнатгичларнинг ҳар бири соатига 50 литр қайноқ сув етказиб бера олади. Шу корпусни капитал ремонтдан чиқариш кўзда тутилмоқда. Бозордаги тўрт бино савдо қилувчиларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун ажратилди. Яна сақизта ана шундай хоналар ажратилади.

Шаҳар бозорларини кенгайтириш ва ободонлаштириш юзасидан ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Фақат шуни кўрсатиб ўтиш кифоякн, шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида салкам 300 минг сўм сарфланди. Йил охирнгача яна 300 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Бу маблағнинг ўзлаштирилиши натижасида бозорларда аҳволнинг янада яхшиланиши шубҳасиздир.

Редакция, шунингдек, Биринчи Май бозори маъмуриятидан ҳам жавоб олди. Унда кўрсатилишича, бозор келгуси йили капитал ремонтдан чиқарилади. Гўшт павильони қурилиши тугалланмоқда. 1200 килограмм маҳсулот сиғадиган совутиш камераси ўрнатилди. Сув қайнатгичлар ремонтдан чиқарилди. Газ келтирилди. Хуллас, бозорлар ишини яхшилаш учун барча зарур тадбирлар кўрилмоқда.

РЕДАКЦИЯДАН: Шаҳар колхоз бозорлари бошқармасидан таъкидланганига қарамай, негадир Олой, Госпиталь, Қўйлиқ бозорлари редакцияга мақола юзасидан ҳануз жавоб бермай, чурқ этмай турибди. Афтидан бу бозорларнинг маъмуриятлари аҳолига савдо хизмати кўрсатиш улар зиммасидаги бурч эканлигини унутишаётганга ўхшайдилар. Бўлмаса, уларнинг газета танқидига жавоб бермаётганини қандай баҳолаш керак?

Газетхон жавоб кутади.

● АДАБИЙ ФЕЛЬЕТОН

ЎЗИМ ВА ШЕЪРИМ

(БИР ШОИРНИНГ АЙТГАНЛАРИ)

Кўп нарсаларни овоз чиқариб айтишни ўзимга эп кўрмайман. Буюклигим йўл қўймайди. Ахир, шу чоққача шон-шуҳратнинг энг юксак чўққисига чиқиб олганимни ҳеч ким билмайди! Шу шуҳрат чўққисининг нима эканлигини ҳам ўзимдан бошқа кимса ҳалигача англаб ололган эмас. Хўш, бу чўққига қандай қилиб чиққансиз? — деган саволга, шубҳасиз, истеъдод қанотида учиб чиқдим деб жавоб беришимни кутарсиз. Овора бўласиз, кутманг бунақа жавобни мендан. Истеъдод деган нарсага ишим тушмаган, тушмайди ҳам. Нима, ўзимнинг кучим етмайдими? Ҳамма жойда ўзим ҳаракат қиламан, якка ўзим. Бировнинг ёрдамига муҳтож эмасман. Буям буюклик аломати, деб ўйлайман, аммо камтарлигимга путур етмаслиги учун бу ҳақда оғиз очиб гапирмайман.

Мана шу камтарлик важидан ҳалигача асл исмим, отамнинг исми, яъни фамилиямни ҳеч қаерда эълон қилган эмасман, бундан кейин ҳам шу сир сирлигича қолиб кетади. Нега дейсизми? Чунки, сирли нарсага ҳамма ўч бўлади ва менга қизиқувчилар янада кўпаяди. Бундан ташқари бўлғуси олимларга хизмат қилишим кераклигини ҳам унутмайман. Уларга сирим ажойиб материал бўлиб қолади. Ишончим комилки, фалончи (яъни: мен) улуғ шоирнинг асл исм-шарифларини аниқлашга бағишланиб докторлик бўлмаса ҳам кандидатлик диссертацияси ёзилажак.

Отимни айтмайману, ўзимнинг кимлигимни тантанали равишда эълон қиламан: мен Ҳавойиман. Ҳа, шоир Ҳавоий десангиз, етти иқлимда отнинг қашқасидек билинади. Пайти келганда шуни ҳам ошкор этай: мен Осмоний, Савдоий, Такасалтангий деган тахаллуслар билан гуркираб ижод қилганманки, шу бугунгача бундан кўпчилик бехабар эди. Нега тахаллусингиз кўп, дерсиз. Айтаберинг, муаммони ечишга эринмайман. Акс ҳолда буюклигим қаёқда қолади!? Ўзимча, тахаллусларим кам деб, юрибман. Ахир, улуғлигимни намойиш этиш учун ўнта эмас, ун бешта тахаллус ҳам етмайди-ку! Ҳозир тахаллус излаб юрибман. Мабодо, жарангдор тахаллус топишга ёрдам берсангиз бошим кўкка етиб, оёқларим муаллақда рақс тушарди, хурсанд бўлганимдан.

Баъзи ландавурлар тахаллусларимга кўра мени дақма ёки Ҳавоий деб ўйлаши мумкин. Аммо бу калтафаҳмликдан бошқа нарса эмас!

Ахир, исми жисмига монанд бўлган одам бўладими ёки Бўриев деганида бўрининг ўғли тушуниладими?

Кўраяпсизларки, тахаллусларим ноёб ва нодир. Асарларим-чи? Бу ҳақда ташқидчилар ҳам, ўзим ҳам лом-мим демасдик. Калламни ишлатиб қарасам, бу катта, кечирилмас жиноят экан. Йўқ, жиноят ҳам гапми, келажак олдида, халқ олдида ҳеч нарса билан ювиб бўлмайдиган хиёнат қилган эканман. Буни ҳозир янада чуқурроқ ҳис қилаяпман. Нима қилсам экан бу хиёнатни бартараф этиш учун?

Бошимни кўрсаткич бармоғим билан бир неча бор чертганча ўйлаб-ўйлаб ўзим ҳақида, «Дўстларим» номли шеърий асарим ҳақида озгина гапирмоқчиман. Аввало қўлоғингизга айтиб қўяй: бу шеърим жаҳоннинг ўзбекча қилиб айтганда, НУБИЛ (бу мен кашф қилган сўз!), русчасига НОБЕЛЬ мукофотига тақдим этилибди, аммо ҳажми катта бўлмагани учун бир қарорга келишмабди. Менга барибир: негаки, мукофотни беришганда ҳам олмасдим, менга ҳеч қандай мукофот керак эмас, шеъримнинг ўзи мукофот! Айтаётганларим камтарлик доирасидан чиқиб кетмайди. Чунки, шеъриятда лашкарбоши эканлигимни билмаган бир шахс қолмаслиги керак! Бу учун ўзим, ёрдам беришга тайёрман. Нима қипти, ўзим шеърим тўғрисида бир-икки сўз айтсам? Бу соҳада мен биринчи эмасман. Гёте деган бир шоир ўн саккиз ёшидаёқ ўзини гений, деб эълон қилган экан. Гёте қаерда-ю, мен қаерда. У ерда бўлса, мен осмонда. Лекин буюклигимни дангал айтмайман. Борди-ю, шундай қилсам, айрим ўртоқлар улуғлигимни, меннинг даҳомни ҳазм қилолмай париги дунёга туёғини шиқиллатиб қолмасин, дейман. Масаланинг бошқа томони ҳам эътибордан соқит этилмаслиги зарур. Гапнинг қаймоғи шундаки, улуғлигимнинг қандай чуқур маъноси, қандай кенг чегарага эга эканлигини ошкор этишга якка ўзимнинг ҳаддим сиғмайди. Бунга замондошларим ҳам журъат этолмаса керак. Менга насиб қилган даҳони бир неча авлодлар, бир неча асрлар давомида сиқиқоради, сувини сиқиб ичади ва ўшанда тугамаслигига асло шубҳаланмайман. Ҳозир эса буюклигимдан бир томчи ҳадя этиш (о, бир томчи буюклигим қанча одамга маънавий озиқ беради!) мақсадида «Дўстларим» деган шеърим тўғрисида тўхталиб ўтаман. Лекин нима учун шундай қилмоқчиман?

Ҳаммага маълумки, шеър изоҳсиз ўқилади. Изоҳ берилса, шеър ўлади! Шўринг қурғур айрим танқидчилар бунга сира тушунишмайди. Йўқ, уларга аччиғланмайман, бундай хусусият мендек бағри кенг улуғ ижодкорга бутунлай ёт. Фақат мени тушунмаган бир одам қолмасин, дейман-да.

Энди асл мақсадга кўчаман ва шеъримнинг нархини аниқлаш учун ундан тўрт сатрни ўқиб чиқайлик:

Катта йўлда катта одам юради.
Ўша йўлда бордир бизнинг уйимиз.
Ўша йўлда бўлар ўйин-тўйимиз,
Давримиз шиддат-ла олға боради.

Назмга тиши ўтмайдиган кимсалар йўлда ҳам ҳовли бўладими, бу мантиққа тўғри келмайди, дер. Тўғри, ҳовли йўлда эмас, йўлнинг ўнг ёки чап томонида бўлади. Шеърий сатрларимнинг мантиққа тўғри келмаслигини беш бармоқдай биламан, аммо ҳақиқий санъат, чинакам шеърият мантиққа бўйсунмайди! Мантиқ бор жойда нозикликка, нафосатга, санъатга йўл бўлсин!

Уқдингизми? Агар уқсангиз, бошқа савол берманг. Ахир шеър аниқ бўлса, ҳаётий ва ҳаққоний бўлса, у кимга хизмат қилади?

Агар бу фикрим миянгизга етиб борган бўлса, учинчи ва тўртинчи сатрларда ишлатилган «Уйин-тўй», «давр» сўзларининг нақадар ўринли, мазмундор эканлиги ва ниҳоятда тўғри ишлатилганлиги ўз-ўзидан англашилади. Яширинча сизга айтиб қўяй: бутун шеъримни шу икки сўз учун ёзганман...

Шу билан ўзим ва шеърим ҳақида мулоҳазаларимни тўхтатишга жазм этаман. Чунки кўп сўз эшакка юк, деган ҳикматни каминангиз ҳам биладилар. Шунинг ўзиёқ буюклигимдан далолат бермайдими?

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ.

ҲАММА МАМНУН

Бир неча йилки, Чилонзор районидаги Фурқат номли кутубхона хизматидан ҳамма мамнун.

Олтмиш минг нусха китоб фондига эга бўлган кутубхонанинг 70 ўринлик ўқув хонаси доимо ўқувчилар билан гавжум. Ўқиш хонасида доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб уюштирилган фотостендларни кўриб, кишининг янада бахри-дили очилади.

Айниқса кутубхона кодимларининг ширинсуханлиги бу ерга келган ҳар бир киши қалбида илиқ таассурот қолдиради.

Кутубхона мудираси Зоя Петровна ўн етти йилдан буён шу ерда шу касбда ишлаб кўпчиликнинг ҳурматини қозониб келяпти. У Низомий номидаги педагогика институти ва маданий-оқартув техникумининг кутубхончилик факультетларидаги ўқитувчилар коллективига ҳам амалий томондан яқиндан ёрдам бериб келаётир.

Шу кунларда студентлардан: Миша Палоконков, Ли Анна ва Рая Сенатовалар шу кутубхонада амалий машғулот ўтказадилар.

Бу ерга келган ҳар бир кишига қайси райондан бўлишидан қатъий назар, шахсий ўқувчилик карточкаси тўлдирилиб, уларга ўқиш хонасида истаган асарлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Бу эса ўқувчилар учун катта қулайлик туғдиради.

Кутубхонада турли анъаналарга бағишланган бадиий кечалар, ўқувчилар конференциялари, китоб авторлари билан учрашувлар уюштириб турилади.

Э. ЖЎРАЕВ,
китобхон.

● Ёш оналарга маслаҳат

БОЛАНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ

Она сути бола учун энг қимматли озуқа. Бу сут бола тўқималарига жуда яқин бўлган тирик ҳужайралар маҳсулидир.

Она сутининг афзаллиги шундаки, бола уни соф ҳолда тўғридан-тўғри илиқлигича кўкракдан эмади, бу эса ҳазм қилишни осонлаштиради.

Соғлом ойнга тўлиб туғилган чақалоқни ҳар уч соатда 20—30 минут эмизилади. Соғлом бир ойлик болани кунига 6—7 маротаба эмизиш тавсия этилади. 1—5 ойликда 6 маротаба, 5—12 ойликда 5 маротаба кўкрак сути билан овқатлантирилади. Болага туғилгандан бошлаб 30-50 миллиграмм миқдорида қайнаган сув берилади, кейинчалик ошириб борилади.

Бир ойликдан бошлаб болага балиқ мойи 1 томчидан, 10—12 кун давомида 2 чой қошиғигача ошириб борилади. Балиқ мойини болани овқатлантиргандан сўнг ичирилади, чунки ҳар қандай ёғ сингари бу ҳам ошқозон сок безларининг ишини қучсизлантиради.

Чақалоқ бир ойликдан сал ошиши билан мева ва сабзавот шарбатлари ичирилади. Тўрт ойликда олмани қириб бериш, тухум сариғи қўшиб берилса яхши бўлади.

Бола 5,5—6 ойлик бўлганида унинг организмига она сути билан кирадиган минерал тузлар ва углеводлар миқдори тўғри ривожланиш учун етарли бўлмай қолади. Шунинг учун ҳам 5—6 ойдан бошлаб, она сутининг кўп-озлигидан қатъий назар, болага қўшимча овқат берила бошланади.

Одатда, қўшимча овқат болани эмизишдан олдин берилади. Қўшимча овқат суюқ, кейин қуюқроқ ва бола қийналмай ютадиган бўлиши керак.

Бола улғайган сари қуюқроқ, тўқ тутадиган сифатли овқатлар берилаверади, имкон борича бола овқатни чайнаб ютишга ўргатилади.

Соғлом ва яхши ривожланаётган болани 12—13 ойлик бўлганда кўкракдан ажратган маъқул.

Иқбол ИСРОИЛОВА,
болалар ва оналар соғлиғини сақлаш институтининг илмий ходими.



ТАТАРИСТОН АССР. Чистополда — Камадаги кичкинагина шаҳарда соатсозлик касби сирларини яхши билган кишилар истиқомат қилишади. Машҳур «Восток» фирмасининг ёруғ цехларида минглаб олтин қўллар соатларини йиғади.

Завод ўз маҳсулоти билан автомобиль саноатини ҳам таъминлайди. Контролёрлардан Мария Захарова (чапдан) ва Александра Алмаева «Волга» автомашиналарига ишлатиладиган соатларни кўздан кечирмоқдалар.

Б. Мясников фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ГАЙАНЕДА ШУНДАЙ ҚИЛИНГАН ЭДИ...

Жанубий Вьетнамни озод қилиш Миллий фронтининг (НФОЮВ) адолатли ва амалий талаби Сайгон ва Вашингтоннинг катта норозилигига сабаб бўлди. Бу бежиз эмас. Ахир Жанубий Вьетнамни озод қилиш Миллий фронти ўзининг ўн пунктида Американинг барча қўшинларини Вьетнамдан сўзсиз олиб чиқиб кетиш, тинчликсевар, ватанпарвар ва бартараф кучларнинг вакилларидан иборат коалицион ҳукумат тузиш, таъсис қилувчи мажлис чақириш ва мамлакатда умумий сайловлар ўтказишга чақиряпти. Буларнинг ҳаммаси эса Сайгон ва Вашингтонга маъқул келмайди. Улар бу таклифларнинг амалга оширилиши Тхиеу-Ки тўдасининг улоқтириб ташланишига олиб келишини тушинадилар.

Никсон маъмурияти Вьетнам масаласини ҳал қилишни истаётганлигини далил билан кўрсатиш мақсадида Америка қўшинларининг бир қисмини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиш ниятида эканлигини кенг реклама қилди. Бироқ бу аниқ кўриниб турган ёлғон. Ҳаммаси бўлиб 25 минг солдат олиб чиқиб кетилади, холос. Мамлакатда эса АҚШ ва унга ёлланган мамлакатларнинг қарийб ярим милион солдати қоляпти. Уларнинг вазифаси қўғирчоқ Сайгон режимини қўллаб-қувватлашдан иборат. Тхиеу —Ки тўдаси коалицион ҳукумат юзага келтирилишига қарши чиқмоқда ва сайловчиларнинг аралаш сайлов комиссиясини таъсис этиш ҳамда сайловларнинг ўтказилишини кузатиб турувчи халқаро комиссия тузишни таклиф этмоқда. Бу таклифлар ўзида катта хавфни яшириб ётибди.

Менинг мамлакатим Гайанеда кейинги беш йил мобайнидаги тажрибалар сайловларнинг ўтишини кузатиб турувчи халқаро комиссия ҳам, сайловчиларнинг аралаш сайлов комиссияси ҳам сайловчилар хоҳишини сохталаштиришларга халақит берманини кўрсатди.

1964 йилнинг декабрида Вильсоннинг лейбористлар ҳукумати ўша вақтдаги Британия Гвианасига сайловларнинг ўтишини кузатиб туриш учун комиссия юборган эди. Бу комиссия Британия миллий ҳамкорлигига кирган турли мамлакатларнинг вакилларидан тузилганди. Бу хилдаги «кузатувчилар»дан Гайанеда кулоч ёйган сиёсий курашга бегараз муносабатда бўлишни кутиш қийин эди. Бу комиссия аслида қилиб қўйилган сохталикларга ниқоб бўлиб хизмат қилди, холос.

Британия ҳукумати халқ прогрессив партиясини (НПП) мағлубиятга учратиш учун АҚШ тазъйиқи остида анъанали сайлов системасини ўзгартирди. Илгариги шароитда НПП 1964 йилдаги сайловларда 1961 йилдагидек кўпчилик овозини олган бўларди. Халқ прогрессив партияси халқаро комиссиянинг кўз олдида мамлакатни бошқариш ишидан ана шундай қилиб четлаштирилди. Бироқ Англия ва АҚШ бизнинг мамлакатимиздаги сайловлар тўғри ўтказилди деб айтдилар.

Сайловчиларнинг аралаш сайлов комиссиясига келсак у конституция бўйича сайловчиларни рўйхатга олиши ва сайловларнинг ўтказилиши устидан қаттиқ назорат қилиши зарур эди. Халқ миллий конгрессининг (ННК) раҳбари Бэрнхемнинг ҳукуматга кўрқўрона бўйсинишга асосланган режимининг ҳаракатлари бу комиссиянинг ишини тўла равишда тўхтатиб қўйди. Унинг аъзолари ҳатто ўзларининг асосий вазифалари бўлган сайловчилар рўйхатини тузишда ҳам қатнаша олмадилар. Натижада сохта рўйхатлар тузилди. Унга ўлган, ёши етмаган ва бутунлай йўқ кишиларнинг исмлари тиркалди. Мамлакатда овоз беришни «осонлаштириш учун» ўлик жонлар учун 30 мингга яқин «ишонч қоғози» тарқатилди. ННПни ёқлаб овоз бериш учун келган сайловчилар сайлов участкаларида ўзларига душман бўлган ННК партияси учун «овоз берганликларини» билдирдилар! Бошқа шу каби қалбакиликлар ҳам кенг қўлланилди.

Лекин булар империалистларни ҳижолатга солиб қўймади. Улар Халқ миллий конгресси партиясининг режими «ғалаба қозонгани»ни ҳозиржавоблик билан тан олдилар.

Гайана тажрибаси империалистларнинг ҳар қанақа найранглари ҳам, ҳатто ҳарбий тўнтаришлар ҳам ҳеч қандай мукофот керак ҳам, сайловларнинг ўзи мукофот! Айтаётганларим камтарлик доирасидан чиқиб кетмайди. Чунки, шеъриятда лашкарбоши эканлигимни билмаган бир шахс қолмаслиги керак! Бу учун ўзим, ёрдам беришга тайёрман. Нима қипти, ўзим шеърим тўғрисида бир-икки сўз айтсам? Бу соҳада мен биринчи эмасман. Гёте деган бир шоир ўн саккиз ёшидаёқ ўзини гений, деб эълон қилган экан. Гёте қаерда-ю, мен қаерда. У ерда бўлса, мен осмонда. Лекин буюклигимни дангал айтмайман. Борди-ю, шундай қилсам, айрим ўртоқлар улуғлигимни, меннинг даҳомни ҳазм қилолмай париги дунёга туёғини шиқиллатиб қолмасин, дейман. Масаланинг бошқа томони ҳам эътибордан соқит этилмаслиги зарур. Гапнинг қаймоғи шундаки, улуғлигимнинг қандай чуқур маъноси, қандай кенг чегарага эга эканлигини ошкор этишга якка ўзимнинг ҳаддим сиғмайди. Бунга замондошларим ҳам журъат этолмаса керак. Менга насиб қилган даҳони бир неча авлодлар, бир неча асрлар давомида сиқиқоради, сувини сиқиб ичади ва ўшанда тугамаслигига асло шубҳаланмайман. Ҳозир эса буюклигимдан бир томчи ҳадя этиш (о, бир томчи буюклигим қанча одамга маънавий озиқ беради!) мақсадида «Дўстларим» деган шеърим тўғрисида тўхталиб ўтаман. Лекин нима учун шундай қилмоқчиман?

Ҳаммага маълумки, шеър изоҳсиз ўқилади. Изоҳ берилса, шеър ўлади! Шўринг қурғур айрим танқидчилар бунга сира тушунишмайди. Йўқ, уларга аччиғланмайман, бундай хусусият мендек бағри кенг улуғ ижодкорга бутунлай ёт. Фақат мени тушунмаган бир одам қолмасин, дейман-да.

Энди асл мақсадга кўчаман ва шеъримнинг нархини аниқлаш учун ундан тўрт сатрни ўқиб чиқайлик:

Катта йўлда катта одам юради.
Ўша йўлда бордир бизнинг уйимиз.
Ўша йўлда бўлар ўйин-тўйимиз,
Давримиз шиддат-ла олға боради.

Назмга тиши ўтмайдиган кимсалар йўлда ҳам ҳовли бўладими, бу мантиққа тўғри келмайди, дер. Тўғри, ҳовли йўлда эмас, йўлнинг ўнг ёки чап томонида бўлади. Шеърий сатрларимнинг мантиққа тўғри келмаслигини беш бармоқдай биламан, аммо ҳақиқий санъат, чинакам шеърият мантиққа бўйсунмайди! Мантиқ бор жойда нозикликка, нафосатга, санъатга йўл бўлсин!

Уқдингизми? Агар уқсангиз, бошқа савол берманг. Ахир шеър аниқ бўлса, ҳаётий ва ҳаққоний бўлса, у кимга хизмат қилади?

Агар бу фикрим миянгизга етиб борган бўлса, учинчи ва тўртинчи сатрларда ишлатилган «Уйин-тўй», «давр» сўзларининг нақадар ўринли, мазмундор эканлиги ва ниҳоятда тўғри ишлатилганлиги ўз-ўзидан англашилади. Яширинча сизга айтиб қўяй: бутун шеъримни шу икки сўз учун ёзганман...

Шу билан ўзим ва шеърим ҳақида мулоҳазаларимни тўхтатишга жазм этаман. Чунки кўп сўз эшакка юк, деган ҳикматни каминангиз ҳам биладилар. Шунинг ўзиёқ буюклигимдан далолат бермайдими?

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ.

МОСКВА КЕНГАШИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

ГУАЯКИЛЬ. (ТАСС). Эквадор Компартияси Марказий комитетининг секретари Энрике Хиль Хильберт бу ерда халқ иттифоқи демократик партияси активлари ҳузурида нутқ сўзлаб, бундай деди: «Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москва халқаро Кенгаши халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини жипслаштириш учун ҳам, империализмга қарши муштарак курашда барча антиимпериалистик кучларни бирлаштириш учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир». Нотиқ кенгашда қабул қилинган ҳужжатларнинг муҳимлигини таъкидлаб, бу Кенгаш қатнашчилари марксизм - ленинизмга содиқликларини кўрсатдилар, деди.

Хиль Хильберт Эквадорнинг барча демократлари ва ватанпарварларини Олигархия ҳукмронлигига қарши ва Америка империализмига қарши, ўз мамлакатининг социал ва миллий озодлиги учун курашда бирлашишга даъват этди.



ДАНИЯ. Яқинда Копенгагенда тўхтовсиз ёмғир ёғиши натижасида кўпгина кўчалар ана шундай аҳволга тушиб қолди.

Полфото — ТАСС фотоси.



«Бел АЗ-540» маркали совет автомобиллари Карачи кўчаларида кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Бу гигант самосваллар Исломобод дағи тўғон қурилиши учун келтирилди. Совет-Покистон савдо битимига биноан, «Пак-лэнд трэдинг корпорейшн» фирмаси машиналарни сотиб олди.

СУРАТДА: «Бел АЗ-540» маркали совет машиналари шаҳар кўчаларида.

В. Вавилов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

● *Социализм мамлакатларида*

Польша

ВАРШАВА. Плоцкий нефть тозалаш ва нефть химия комбинати янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилганлиги тўфайли бу йил Польша химия саноати ялпи маҳсулотининг 10 процентини беради.

Мамлакатда энг катта химия корхонасини кенгайтириш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Иккинчи навбат қурилиши тамом бўлганидан кейин комбинатнинг учинчи навбати қурила бошлайди. Шу қурилиш давомида нефть маҳсулоти, хомашё, чала тайёр ва химиявий буюмлар ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилади.

Янги беш йиллик планда (1971—1975 йиллар) Польша химия саноатини ривожлантириш учун 100 миллиард злотих маблағ чиқариш кўзда тутилган. Янги беш йилликда Польша Халқ Республикасида химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқариш 80 процент кўпаяди.

Чехословакия

ПРАГА. Чехословакиянинг жанубий Моравия области кооперативлашган деҳқонлари ва давлат хўжаликлари ходимлари бу йил мўл ҳосил йиғиштириб олмоқдалар. Кексалар биз 20 йилдан бери шундай мўл ҳосилни кўрганимиз йўқ эди, деб айтмоқдалар.

Областда энг йирик «Погоржелиця» давлат хўжалиги механизаторлари айниқса энг кўп ҳосил етиштирдилар. Улар «Мироновская» ва «Безостая» деб аталган совет навларидан бўлган бўғдой экилган ерларнинг гектаридан ўрта ҳисобда 43 центнер, айрим участкаларида эса 59 центнергача етказиб ҳосил йиғиштириб олмоқдалар. Давлат хўжалиги эришган муваффақиятлари тўғрисида яқинда партия ва ҳукуматга рапорт берди. «Погоржелиця» давлат хўжалигининг ходимлари ЧКП Марказий Комитетининг биринчи секретари Густав Гусак номига юборилган мактубларда давлат омборларига 336 вагон ғалла, яъни планда кўзда тутилганига қараганда 43 вагон кўп ғалла топширганликларини маълум қилдилар. Давлат хўжалиги ходимлари буни мамлакатда сиёсий вазиятни нормаллаштириш ишига қўшилган ҳисса, социализм ишига қўшилган ҳисса, деб айтмоқдалар.

РЕВОЛЮЦИОН ТРИБУНАЛ ҲУКМИ

ЖАЗОИР. (ТАСС). Революцион трибунал 1968 йил апрель ойида Ораноеда революцион кенгашнинг раиси Х. Бумиддинга қилинган суиқасд тўғрисидаги ишни кўриб, ҳукм чиқарди.

Айбдорлардан тўрт киши А. Меллах, М. Т. Буррезан, М. Агаген ва М. Ветира қатл этишга ва икки киши умрбод қамоққа ҳукм қилинди.

12 киши 3 йилдан 20 йилгача бўлган муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

БИРДАН-БИР АЛЬТЕРНАТИВ

Асримиз социализм билан капитализм ўртасидаги кескинлашиб бораётган кураш шароитидаги учинчи чоракнинг охирига қадам қўйди. Бу кураш бутун планетамизни қамраб олди. У инсоният ҳаётининг бутун соҳаларига — сиёсат ва экономика, маданият ва идеологияга дахлдордир. Инсоннятнинг ҳаётий масалалари унинг натижаларига боғлиқ.

Ер юзида тинчликни сақлаб қолмоқ учун уруш кучларини жиловлаб қўйиш. Европада хотиржам яшамоқ учун Ғарбий Германия реваншчиларини тартибга чақириш, илмий-техника революциясининг муваффақиятларидан халқ фаровонлиги йўлида фойдаланмоқ учун қуроллашишга барҳам бериш, ер юзида озодликнинг тантана қилиш учун кишилар мустамлакачилик қолдиқларини тугатишлари зарур. Рад қилиб бўлмайдиган бу ҳақиқатни ҳозир соғлом фикрдаги ҳар бир киши тан олмоқда.

Америка босқинчилигининг кучайиб бориши қарамай учинчи жаҳон урушининг ёнғини планетамизни қамрагани йўқ. Халқлар бунинг учун биринчи навбатда иччилик билан тинчликсевар снёсат ўтказаётган, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларда революцион демократик кучларни активлаштириш йўлидан оғишмай бораётган Совет Иттифоқи ва барча социалистик системадан минтақадорлар. Қўшма Штатларнинг ҳарбий-саноат комплекси ўзининг инсоннятга душман бўлган интилишларидан қайтгани йўқ, албатта. У ҳозир миллий-озодлик ҳаракатларини бостириш учун маҳаллий уруш деб эталган урушлар олиб боряпти. Бироқ уни бу ерда ҳам муваффақиятсизликлар кутиб турибди. Бунга мисоллар оз эмас. Қаҳрамонона Вьетнам халқи Социалистик мамлакатлар ва бутун жаҳон прогрессив жамоатчилигининг қўллаб-қувватлаши туфайли душманга муваффақият билан қарши турибгина қолмай балки унга борган сари сезиларли зарбалар ҳам беряпти.

Жаҳондаги икки система — тинчлик ва уруш кучларининг кураш тобора кўпроқ кишиларни, ҳатто буржуазия мамлакатларидаги давлат арбобларини бўлган кишиларни давлатларнинг тинчтотув яшаши ҳамма нарсани йўқ қилиб юборувчи атом урушига қарши тура оладиган бирдан-бир альтернатив йўл деган хулоса чиқаришга олиб келяпти.

Ҳа, тарих ҳукми шундай: империализм кучлар нисбатини ўз фойдасига ўзгартиролмади ва ўзгартиролмайди ҳам. Рост, ҳали у кучли ва хавфли. Шунинг учун хавфлики, ер юзининг турли қисмларида у бошлаб юбораётган урушлар бутун дунё ёнғини манбанга айланиб кетиши мумкин.

Ўтмишда бундай ҳоллар содир бўлганди. Хўш, келажакда қандай бўлади? Бу бизнинг ўзимизга боғлиқ.

Империализмга қарши олиб борилаётган курашнинг асосий оғирлиги давримизнинг энг таъсирли снёсий ҳаракати ҳисобланган коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг зиммасига тушди. Коммунистик партиялар раҳбарлигидаги жаҳон социалистик системаси инсоният тарихини шакллантирувчи куч, марксча-ленинча партияларнинг жипслиги эса ҳаракатимизнинг муваффақиятли тугалланиши учун гаров бўлиб қолди. Бироқ барча империализм яхши ниятли кишиларнинг душманидир. Тинчлик, тараққиёт, мустақиллик ва озодликни ҳимоя қилувчи ҳар бир киши империализмга қарши курашувчилар қаторида бўлиб қолиши мумкин.

Инсоннятнинг катта кўпчилиги империализмга қарши курашдан манфаатдор. Курашчилар фронти нақадар кенг ва жипслашган бўлса халқларнинг тинч бахтиёр келажагини таъминлаш вазифаси шунчалик тез ҳал этилади. Ҳозирги замоннинг бу энг муҳим масаласи коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада бўлиб ўтган халқаро Кенгашида ҳартарафлама муҳокама қилиниди. Кенгаш коммунистлар ва тинчлик учун курашчилар қўлига ҳаракат қилишнинг конкрет программасини берди. Бу программа умумий вазифаларни қайд қилибгина қолмай оммани уни бажаришга сафарбар ҳам этади. Шундай қилиб Кенгаш энг кенг табақали халқаро жамоатчиликнинг орзу-умидларини тўла оқлади.

Тамаш ПАЛОШ,
(АПН).
Будапешт.

Николай Никитин

Кўқон воқеаси

РОМАН

Шунга қарамай, ярим соатдан сўнг уни қамоққа олишди. Аввакумовни ҳеч жаҳлидан тушира олмадилар. Мулла Бобо воқеаси уни жуда ғазаблантирди. У солдат пора олиб Мулла Бобони бўшатиб юборган, деган шубҳада эди.

Шубҳа тасдиқланди. Тинтилганда Парамоновдан тилла узук топиб олишди. Сашка Лихолетов бу узукни Мулла Бобонинг бармоғида кўрганини айтди. Душман большевикларга қарши курашда Мулла Бобонинг етиларидан дастак қилишдан маҳрум бўлганларидан Аввакумов энди ҳурсанд эди, аммо бу ҳол солдатни жазодан қутқариб қолмаслиги керак.

— Солдат итоатсизлик қилди. Бу факт! Сотқинлик қилди. Бу факт! Уни сафдан ҳайдаш керак!— деди Денис Макарович Парамоновни қамаш тўғрисида буйруқ бериб.

20.

Соқчиларни алмаштириш учун қоровулхона бошлиғи раҳбарлигида взвод йўлга чиқди. Хавф-хатар кишиларни анча ҳушёр этиб қўйди. У ҳар бир ҳаракатни ниҳоятда диққат-эътибор билан бажо этар ва командага астойдил бўйсунардилар.

(Давоми. Боши газетанинг 178, 179, 180, 181, 182, 183, 184, 185-сонларида).

Пулемётлар ремонт қилинди. Ортиқматов шаҳар касалхонасидан ҳамшира Варенька Орловани бошлаб келгач, ҳамма жиддий пайтлар келганини дарҳол фаҳмлади. Вареньканинг қўлида кичкина чамадон. Унинг кетида медицина ящигини кўтариб Ортиқматов турибди.

— Ўзингиз... ўз хоҳишингиз билан келдингизми?—сўради Варенькадан Аввакумов.

— Ўз хоҳишим билан?— жавоб берди Варенька, Денис Макаровичнинг ичигича кириб кетган қора, ўткир кўзларидан қўрқиб.— Мени анави киши олиб келди!— У Ортиқматовни кўрсатди. — Кечаси қирғин бўлади, эҳтимол, тиббий ёрдамга зарурат туғилар, деди.

Аввакумовнинг чеҳрасида шубҳа белгилари кўринди шекилли, Варенька ранжиди ва совуқ оҳангда деди:

— Сиз билмайсиз-да, мен биламан! Мен эски шаҳарда тураман. Ортиқматов ҳам билади. Сиз унинг афтига, усти-бошига қараб, жуда ифлос одам экан деб ўйламанг, бу жуда оқил одам! Бу бизнинг ишчимиз.

— Ишчимиз?— ажабланди Аввакумов.

— Ҳа. Касалхонанинг ишчиси. Жўжабирдек жон. Онласида сакқиз жон бор.

— Шундай денг!— деди Аввакумов хўрсиниб. —Майли, қалъада қола қолинг. Россиядансиз?

— Йўқ, шу ерликман. Ота-онам Россиядан эдп. Отам темир йўлда, Қўқонда юк ташиш станциясининг идорасида хизмат қилардп. Ўтган йили вафот этди.

— Аттанг—деди Аввакумов бош чайқаб.

Варенька Ортиқматов томонга бурилди-да, яшикни амбулаторияга олиб бориб қўйишни илтимос этди.

Аввакумов тор кўк камзул, ёзлик юбка, юпқа қора пайпоқ кийган, оқ дурра ча ўраган бу озғин ва соддадил қизга разм солиб турди-да: «Ниҳоятда нозик экан-да!» деди ўз-ўзига. Қизнинг оппоқ қўллари, бармоқлари, оёқлари дуррача тагидан чиқиб турган майда жингалак сочлари, ёнib турган катта-катта кўзлари, қирмизи юзлари шу қадар покиза-тоза эдики, бундан Аввакумов завқланди. Унинг кийим-боши ҳам тоза, гард ҳам йўқ эди. Ундан ўгирилгач, кўзларк, ранги, сочлари қанақалигини айтиб бериш маҳол эди.

Бу Аввакумовга ёқмади, у қизни ичида «оппоқ ойимча» деб атади. Бироқ бу қизнинг кимлигини, нима учун бу ерга келганини, мақсади нималигини текшириб ўтиришга вақт йўқ эди. Майли! «Калласини бизнинг ишимизга тиқибдими, оламиз,— деб қарор қилди Аввакумов.— Сўнг яна кўрамиз...»

Денис Макарович қизни комендантхонага боришни тайинлаб йўлни кўрсатди.

— Биламан,—деди Варя жилмайиб.—Комендант Зайченко турадиган жойгами?

— Ўша ерга. Ҳозир комендант Зайченко у ерда йўқ,— жавоб берди Аввакумов ва шубҳамуз деди: — у сизнинг қариндошингизми?

— Йўқ. Танишим.

Варя, худди уни биров силтаб кўтариб қўйгандек бўй бериб тикка туриб олди, бўзармади, ҳижил ҳам бўлмади, фақат кўзларини бақрайтирди-да, ўзига яраш майдиган даражада қатъият билан сўради:

— Унга нима бўлди?

— Қамалди.

— Нима учун?

— Душман билан музокара олиб боргани учун?

— Музокара олиб борганн учун?

— Хоинлик қилгани учун!— деди кулиб Лихолетов. У қиздан кўзини узмасди.

— Хоинлик учун?— деди қўрқиб Варя.

— Ҳозирча текширувда. Сўнг аниқланади,— деди бехоҳиш Аввакумов.

— Бундай бўлиши мумкин эмас!— деди Варя ва бошини қуйи солди. Бир-икки минут жим турди-да, кичкина қўл чамадончасини силкитиб, энди нима қилсамкин-а дегандек, уҳ тортди. Сўнг дудмал қилиб сўради:

— Комендантхонага борасрайми?

— Ҳа,— деди қисқа қилиб Аввакумов ва кетидан қизга қараб қўйди.

Варя кийимига гард юқтирмаслиқ учун оёқ учида аста-аста қадам ташларди. Кўлобни кўрди-да, тўхтаб этагини кўтарди. Кенг юбкаси тагидан бичими жуда келишган оппоқ оёқлари, нозик тўпиқлари кўринди. У айланиб юрмай қўя қолай деб кўлмакдан сакраб ўтдн.

— Оббо шайтон-э!— деди завқ билан кулиб Сашка ва мўйловини бураб қўйди.

Зайченконинг хатти-ҳаракатига Денис Макаровичнинг ўзи ҳам ҳеч тушунолмай гаранг. Бу нима қилгани унинг?... Солдатлардан қўрқдимикин? Ёки Зайченко бирор махфий битим тузмоқчи бўлгану, кутилмаган ҳол юз бергач саросимага тушиб қолдимикин? Ё бўлмаса бу ишлар тагида чиндан фитна бормикин? Ҳар ҳолда Аввакумов фақат бир нарсани—қалъа ротасининг солдати, комендантнинг чопари Парамонов бу ишни бошлиғидан ташқари ўзи тавваккалига бажо этганини аниқлади. Тўғриси Аввакумовнинг қўлида Зайченкога қарши яққол бир далил йўқ эди. Унинг жавоблари, шарҳлари ҳаққоний эди. Мулла Бобо ўзи келганини Лихолетов ҳам тасдиқлади. Аммо бу ишда ғалати, англаб бўлмайдиган, ҳунук бир ёт таъсир борлиги сезилиб турарди. Шунинг учун ҳам Денис Макарович вақтинча бўлса-да, Зайченконн қамаб қўйишга ва бу ишни текширишни қулайроқ пайтгача кечиктиришга қарор қилди.

21.

Разведкага юборилган Ревком аъзоларидан бири кечаси соат учда Аввакумовга «Йўл очиқ. Погонин келяпти» деб хабар қилди.

Эргашнинг тақлиширн билан Бешариқ ёнидаги участкани ўз назоратига олган муғомбир Ҳамдам Эргашнинг маневрини такрорламади. У бу ҳаракатни онгли равишда қилдимикин? Бу даргумон. Ҳар ҳолда, Чанишевнинг Қўқон шаҳри Андижон ва Скобелевдагина эмас, шунингдек Тошкентдан ҳам ажратиб қўйилган, деб умид қилгани пучга чиқди.

Ҳамдам ўз отряди билан Бешариқда эди.

Ҳамдам Чанишев билан ҳам, Эргаш билан ҳам гаплашиб, икковига ҳам ёрдам беришга ваъда қилди. Бироқ шу билан бир вақтда у Қўқон большевикларидан ташқари Туркистонда бошқа большевиклар ҳам борлигини унутмади ва вақтинча бўлса-да, бу ҳолни ҳисобга олди.

Ҳамдам отлиқ соқчиларини Темир йўл бўйлаб тизиб қўйган, истаган вақтида уни портлатиб юбориши мумкин эди. Лекин у ҳозирча шошилмади.

Безорн ва каторгачи Эргаш уламочнлар қўлида қўғирчоқ эканини Ҳамдам кўриб турибди. Эргашга ёрдамчи бўлишга кибри-ҳавоси ҳалал берар, иккинчи Эргаш бўлишга ақли-идроки йўл қўймасди. Ҳамда ўз элатдошларини бурни тагидан наригидагини кўрмайдиган жоҳил авом деб ҳисобларди.

У Бешариқда ўзига хон — ўзига бек бўлиб олганди, худди хон саройидаги каби агентларини расмий маросим билан қабул қиларди. Йигитлари айш-ишрат билан банд. Тинмай қўйлар сўйилиб зиёфат устига зиёфатлар тўказиларди. Ҳамдамнинг уйи ҳамма учун очиқ. Андархондаги иккинчи уйда хотини ва бола-чақаси яшарди. Ҳамдам сиёсатдан ва урушдан тинкаси қуригандa Андархонга бориб дам оларди.

Ҳамдам гилам тўшалган супада ётипти. Орқа томонидаги деворга олтита қуёш сурати тикилган сўзана осиқ. Бир неча кекса Ҳамдамнинг оёгида, у эшон бўлмаса-да, худди эшоннинг муридлари каби таъзим қилиб ўтиришибди. Кексалар газовот тўғрисида гап юритишар, оқпошшо жуда зўр бўлган вақтларни эслашар, 1898 йил 18 майда тўсатдан юз берган Андижон қўзғолонини хотирага олишар эди. Ўшанда Ҳамдамнинг отаси Мирзо Ҳамдамнинг отрядлари рус гарнизонига ҳужум қилган эди. Ўша куни Муҳаммад Али эшон кўк байроқ кўтариб чиқди. Чор ҳукумати солдатлари тор-мор этган қўзғолончилар эшон билан бирга тоққа қочиб кетишди. Эшон Чарвоқ қишлоғида тутиб олинди, бошқалар сўнгроқ Кугарт волостида қўлга туширилди.

Кексалар бири олиб, бири қўйиб, Андижон қалъасида тикланган дорлар, беш юз кишининг суд қилингани ва улардан тўрт юз кишн ўлим жазосига ҳукм этилгани тўғрисидаги даҳшатли воқеаларни ҳикоя қилишарди. Нигирма кишини осиб ўлдиришибди, қолганларнинг гуноҳини енгиллаштириб, ҳаммасини Сибирга — каторгага сургун қилишга қарор қилишибди.

Қўзғолон кўтарилишига шу нарса сабаб бўлган эди: Дукчи эшон (уни яна Муҳаммад Али деб аташарди) қўзғолони Россиянинг шарқий чеккасидаги баъзи ўлкаларда XIX аср ўрталарида содир бўлган баъзи миллийдиний ҳаракатларга ўхшарди. Дукчи эшон сўфийлик тариқатининг пешволаридан эди. Мусулмон динининг пешволари Қўқон хонларига ҳам таъсир кўрсатишга қодир эди. Аммо чор Россияси ўрта Осиёни мустамлака қилиб олиб, Қўқон хонлари барбод бўлгач, дин пешволарининг таъсири ҳам ўз-ўзидан йўққа чиқади. Ана шундан кейин улар жангга отланишди. Табиийки бу курашга авом халқ ҳам жалб этилди, чунки халқ чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати остида беҳад азоб чекиб, тоқати тоқ бўлган эди. Шунингдек баъзилар, Дукчи эшон ажнабий шайхларнинг таъсиридан, эҳтимол Шарқдаги мустамлака зоналари учун курашда «Оқ пошшо» билан рақобат қилаётган ғарб давлатларининг агентларидан фойдаланган деб тахмин қилишарди. Хуллас, бу ерда ҳар ким ўз мақсадини кўзларди... Араблар нинг қадимги бир мақолида «мушук худога ёқиш учун сичқонларни қирмайдн» деб жуда тўғри айтилган.

Қўзғолон май ойида, экин-тикин ишлари тугагандa бошланди. Эшон ишдан бўшаган деҳқонларни жалб қилмоқчи бўлган эди, аммо бу умиди пучга чиқди. У чор ҳукуматининг Андижондаги гарнизонига ҳужум қилди. Ур-йиқит, қирғин бошланди. Эшоннинг тарафдорлари ўш, Марғилон шаҳарларини ва бошқа аҳоли пунктларини босиб олмоқчи эди. Бироқ бу планларнинг ҳаммаси барбод бўлди, «муридлар» даври ўтиб кетган эди. Кўпчилик деҳқонлар ўзларга эргашмадилар, оддий кишилар эндиликда гап «кофирлар»да эмаслигини, бутун руслар ёппасига чавақлаб ташлаганда ҳам аҳвол яхши бўлиши даргумон эканини, барибир яна хон ҳокимияти тикланиб, ҳамма нарса орқага қараб кетишини, ўрта аср жаҳолати қашшоқлик ва Бухородаги каби батамом ҳуқуқсизлик яна қайтиб келиши мумкинлигини фаҳмлар эди. У давр XIX аср ўртаси эмас, XX аср арафаси, ҳуллас бошқача тарихий муҳит эди. Янги давр тонгги бошланган бўлиб, оддий халқ янгичасига фикр юритар эди. Мана шу эски воқеаларни, ёшлик йилларидаги ҳодисаларни чоллар эндиликда бошқача ҳикоя қилишар, Ҳамдам ҳам навқирон жасур йигит бўлганини, отасидан ҳеч ажралгиси келмаганини гапириб беришарди. Қариялар бир-бирига сўз бермай гапиришарди. Улар йигитлик даврини қўмсашар ва Ҳамдамда ўз ёшликларини кўрганлек бўлишарди... Ўшанда икки рота солдат Андижондан сургун бўлган маҳбусларни олиб чиқиб кетди. Аммо Мирзо Ҳамдамнинг ўғли йигирма ёшлик Ҳамдам буларнинг ҳаммасидан ҳам дадил эди. У турмадан деярли қип-яланғоч чиқди, чунки, ҳеч қандай куч уни маҳбуснинг кийимини кийишга мажбур этолмади. Кишилар бу ҳонидан кечган бўлса керак, деб ўйлашарди. Кексалар тилёғламаликни ҳақиқат деб тушуниб «Йиллар ўтди-ю, йўлбарс яна биз» томонга қайтиб келди» дейишар ва Ҳамдамни кўкларга кўтариб мақташар эди.

(Давоми бор).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.



РАДИО

12 август

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Қўриқ ер мактаби» деган очерк (русча). 18.10 М. Левиев: «Сухайл ва Меҳри» балетидан сюита. 18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча). 19.20 Ўзбекистон композиторларининг хор асарлари. 20.00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20.40 «Меҳнат — бахт демакдир» деган концерт. 21.00 «Ленинном» программаси (русча). 21.30 Концерт. 22.20 Куйлардан-куйларга. 22-40 Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси (ўзбекча). 23.15 Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ю. Казаков: «Брегет заиги» ҳикояси асосида радиоинсценировка (ўзбекча). 19.30 Совет Армияси жангчилари учун концерт. 20.00 Далада ишлаётгандар учун концерт (тожикча). 20.30 Қорақалпоқ куйлари. 20.50 «Санъат тили — дўстлик тили». Молдавия радиосининг эшиттириши (русча). 21.00 А. Малъц. «Йўлдаги одам» радиоинсценировкаси (ўзбекча). 21.40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ака-ука Тур. «Тундаги қочиш» радиопостановкаси (русча).

13 август

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 7.40 Енгил куйлар. 8.25 Классик шоирлар газаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.30 Е. Г. Брусиловский. «Ноёнич баҳор» кинофильмига ёзилган музикадан сюита. 9.50 Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш (тожикча). 11.15 «Ленинча яшаш, ишлаш ва ўқиш» деган суҳбат (ўзбекча). 11.30 Чолғу асбоблари. «Дутор». 13.30 Лирик қўшиқлар. 15.15 «Иссиқкўлда» Қирғизистон радиосининг эшиттириши (русча). 15.30 М. Чулаки. «Ленин биз билан бирга». Хор ижросида қўшиқлар. 16.10 «Ўзбекистон композиторларининг ижодий портретлари». Рашид Ҳамроев ҳақида суҳбатли концерт. 16.50 «Правда» газетасининг обзори. 18.00 «Партия ходими минбари». Фарғона область партия комитетининг иккинчи секретари А. Ф. Гавриловнинг «Комсомолга партия раҳбарлиги» деган суҳбати (русча). 18.10 С. Василенко. Труба ва оркестр учун концерт. 18.40 Спорт эшиттириши (русча). 19.20 Қозоқ куйлари. 20.00 «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали. 20.30 Саноат ходимлари учун концерт. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.20 Тожикистон ССР халқ артисти Рафаэль Толмасов куйлайди. 22.40 «Шеърият кечаси» (ўзбекча). 23.15 «Куйлар тинглаб дам оламиз» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 «Қўшиқ мададкоримиз» деган концерт. 19.00 Баланчивадзе. Фортеп-яно ва торли оркестр учун учинчи концерт. 19.30 «Ўзбекистон ёзувчиларининг ижодий портретлари». Мақсуд Шайхзода (русча). 20.00 Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. 20.30 Г. Тихомиров. «Ватан бўйлаб» номли сюита. 21.00 «Қардош халқлар адабиёти». Латиш ёзувчиси Анна Саксе ижодий портрети (ўзбекча). 21.30 Футбол. «Кридья советов» —«Пахтакор». Куйбишев шаҳридан олиб эшиттирилади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Татар куйлари. 14.30 Ў. Умарбеков. «Чўли ироқ» повести асосида радиоинсценировка. 16.00 «Янги замон куйчиси». Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳақида музикали эшиттириш. 17.00 В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан. Н. Погодин. «Кремль курантлари» радиопостановкаси (русча).

ТЕЛЕВИЗОР

12 август

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси:

Рус тилида: 18.35 Телевизион янгиликлар. 18.50 Кичкинтойлар учун эртаклар: 19.20 «Олмалиқ қимё комбинатининг бир куни» деган эшиттириш. 19.40 «Муҳим айб». Бадиий фильм (фақат қатталар учун). 21.00 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 21.05 Телевизион янгиликлар: 21.20 «Фан» тележурнали. 22.00 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. «Олов қалбли кишилар». 23.00 Даврларнинг ҳаёт қўшиқлари.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 18.00 Пионерларнинг ишлари. 18.30 «Қиш тонги». Бадиий фильм.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Фотоҳаваскорлар учун. «Объектив» программаси. 20.45 «Тезлик учун кураш». Ҳужжатли фильм. 21.05 СССР касаба союзлари Бутуниттифоқ ёзги 9-спартакиадасида. Спорт гимнастикаси. 22.00 «Яширин форонт». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 8 ва 9-серпялари. 23.45 «Вақт информацион программаси. 00.30 Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 Классик музика саҳифаларидан.

Рус тилида: 20.40 «Свердлов шаҳри». Телеочерк: 21.00 «Биринчи севги қиссаси». Бадиий фильм. 22.25 «Биз туристларминз». Фильм-концерт.

13 август

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида:

18.45 Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада бўлган халқаро кенгашининг тарихий аҳамияти. 19.00 Яхна чолғучилар ижросида концерт. 19.40 Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 Янгиликлар. 20.15 Классик куйлардан концерт. 21.00 Беш йиллик йўлларидан. 21.30 Интервидение Ленин яшаган жойларда. 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Футбол бўйича СССР биринчилиги. «Динамо» — «Спартак» (Москва). Танаффус вақтида янгиликлар. 00.15 А. Толстой. «Актриса». Телевизион спектакль. 01.00 Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўратувлар программаси.

Рус тилида:

18.35 Болалар учун. Қўғирчоқ фильм. 18.45 Тошкент истиқболи. 19.20 Эстрада концерти.

Ўзбек тилида:

20.00 Рассом ва замон. 20.20 Инсон ва қонун. 20.50 «Иккинчи истеъдод». Концерт. 21.30 Беш йиллик илғорлари. 21.45 «Биринчи учрашув». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

20.00 «8-шахтадаги воқеа». Бадиий фильм. 21.30 Анатолий Королёв куйлайди. 21.50 «Тугалланмаган кундалик». Телефильм. 22.35 «Мелодия — 68».

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШДУнинг ФУНДАМЕНТАЛ КУТУБХОНАСИГА

олий ва махсус ўрта маълумотли кутубхона ходимлари

КЕРАК

Адреси: Тошкент шаҳар Студентлар шаҳарчаси.

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ

Тошкент область монтаж бошқармасига

(Тошкент шаҳар ва областда ишлаш учун)

шофёрлар, электр монтёрлар, автослесарлар, такелажчилар, техник-электриклар, инженер-электриклар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар —64, Педагогическая кўчаси, 75-уй. Нижний тупик. Телефон 5-02-26.

УЗБЕКИСТОН КАРЛАР ЖАМИЯТИ МАРКАЗИЙ ПРАВЛЕННЕСИГА

хўжалик мудирлари, металлар бўйича инженерлар, техника назорати бўйича катта инженер, экспедитор, катта бухгалтер-ревизор, фаррошлар, қоровул, пас. портчи

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор кўчаси, 15-уй (7, 9, 11-троллейбуслар, 2, 3, 24, 26, 14-автобусларнинг «Чиланзарская» бекати).

ТОШКЕНТ ХЛАДКОМБИНАТИГА

тайёр маҳсулотлар омборчилари ва омбор юкчилари, такировкачи бухгалтер-ревизор, боғбон, мороженое ва унинг идиши тайёрланадиган фабрикага ишчилар (хотин-қизлар), электр монтёрлар, компрессор цехи машинистлари, турли хил қурилиш ишчилари (маош ишбай асосида тўланади), холодильникларга юкчилар (маош ишбай асосида тўланади)

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Воровский кўчаси, 6-уй (5, 7, 12, 26-автобусларнинг «1-Винзавод», 16-автобуснинг «Фигельский» бекатлари). Телефонлар: 66-24-05, 66-24-07, 66-24-09, 66-34-64.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ГРАЖДАН МУДОФААСИ ШТАБИГА

қурилиш бўйича инженер ва техниклар, запасдаги офицер ва сержантлар, шунингдек бухгалтерлар ва натта бухгалтерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Бородинская кўчаси, 45-уй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ
(Киров кўчаси, эски универмаг ёнида)

ТЕЗ КУНДА
МАВСУМНИНГ
ОЧИЛИШИ

Тошкентда биринчи марта венгер цирки артистларининг гастроллари.

Узбекистон ССР
Алоқа министрлиги
ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ АВТОБАЗАГА

бош бухгалтер, бухгалтер, устахона бошлиғи, резина ҳисоби бўйича техник, шофёрлар, сдесарлар, тоқарлар, моторчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 5, Куйбишев шоссеси, 15-уй (5, 7, 12, 26-автобусларнинг «Тепловоз депоси» бекати). Телефон 11-19-26.

Тошкент шаҳрида
1 сентябрдан
Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари ўқувчиларига
ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУСЛАРДА ЮРИШ ИМКОНИЯТИНИ БЕРАДИГАН
нархи 1 ярим сўмлик

КАРТОЧКАЛАР
БЕРИЛАДИ

Карточкалар ўқув юртлари администрацияси томонидан берилади.

ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИ.

УЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ ВА ЕҒОЧСОЗЛИК САНОАТИ БОШҚАРМАСИ
ТАЖРИБА-ТЕХНИКА БАЗАСИГА

ҳамма разрядлаги дурадгорлар, ёғочсозлик бўйича станокчилар, слесарлар, электр пайвандчилар, қурувчи-ғишт терувчилар, сувоқчилар, ёрдамчи ишчилар.

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, К. Цеткин кўчаси, 31-уй (5, 12, 1, 2-трамвайларнинг «Жуковский» бекати).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Киров район комитети, Район совети ижроия комитети ёғочсозлик комбинати бошқарувчиси И. Худайқуловга рафиқаси

Марғуба Қосимовна
ХУДАЙҚУЛОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 13-VIII да Ёшликда берган нўнгил, 14-VIII да Икки билагузук.

Кино

12 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

Бомбей тун оғушида — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кечқурун).

Ҳужумнор бўл — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда). «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кечқурун).

Тайга ҳўжайини (кеч соат 7 яримда), Қизларни ўгирлаш (кеч 9.15 минутда). САНЪАТ САРОЙИ.

Қўзғалончилар (кеч соат 6 да), Джазда фақат қизлар (кеч 8 ва 10 да)— «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ».

Берлин томон йўл — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кечқурун);

Сокин кварталдаги қотиллик — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

13 августда

ҚИШКИ БИНОДА

Бомбай тун оғушида — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Қўзғалончилар (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 6 да), Джазда фақат қизлар (кеч 8 да 10 да)— «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ»

Тайга ҳўжайини (кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда), Қизларни ўгирлаш (эрталаб соат 11, кундуз 1,5 ярим ва кеч 9.15 минутда). САНЪАТ САРОЙИ.

Севги ва кўз ёши (жуфт соатларда), Сокин кварталдаги қотиллик (тоқ соатларда) —«ДРУЖБА».

Излар жарликка бошлайди— «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Жазоловчи— «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10-40 минутда бошланади)

Анжелика ва қироль —«ФЕСТИВАЛЬ».

Қўзғалончилар — «ХЕВА».

Излар жарликка бошлайди — ТЕЛЬМАН номли.

ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ“

газетасининг эълонлар бўлими ҳар турли эълонларни қабул қилади

Шу жумладан ишга таклиф, конкурслар, диссертация ёқлаш ҳақида, таъзия, ҳар хил буюмларни сотиш (уйлар, коналар, мебеллар, гуллар в. б.) штамп, думалоқ печатлар, етуклик аттестатлари, дипломлари йўқолганлиги тўғрисида.

Қабул қилинган эълонлар бир ҳафталик муддатда босиб чиқарилади.

Эълонлар якшанба кундан бошқа ҳар куни кундуз соат 2 дан 4 гача қабул қилинади.

АДРЕС: Тошкент шаҳар «Правда Востока» кўчаси 26-уй, 1-қават.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 12 АВГУСТ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари. Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579.

НАШР 2822
Р. 03242